



# ТО'QQASHKENT O'QSHOM'I

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 188 (10.493)

2005 ЙИЛ 22 СЕНТЯБРЬ

## ПРЕЗИДЕНТНИНГ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНГА САФАРИ



**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 21 сентябрь куни жойларда амалга оширилаётган ишлар, ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислохотларнинг бориши, кишлоқ хўжалигида юз бераётган кенг қамровли ўзгаришлар билан танишиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикасига ташриф буюрди.**

Юртимиз бўйлаб пахта йғим-терими авж паллага кирди. Бу йилги мавсумда Қорақалпоғистон Республикаси қарвонбошилиқ қилмоқда. Давлатга жорий йилда 185 минг тонна «оқ олтин» етказиб беришга бел боғлаган қорақалпоғистонлик миришкорлар шу кунгача давлат буюртмасининг қарийб 80 фоизини бажардилар. Нукус, Кўнғирот, Қанликўл, Тахтақўпир, Қораўзақ, Чимбой ва Кегейли туманлари давлатга пахта сотиш режаларини муваффақият билан адо этди.

Президентимиз Кегейли туманининг «Умид» фермер хўжалиги пахта далаларида бўлиб, пахтакорлар билан кишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг самаралари, хусусан, Қорақалпоғистонда пахтачилик соҳасида эришилаётган ютуқлар ҳақида сўхбатлашди.

Фермер Жуманиёз Пирназаров 53 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан илк теримдаёқ 26 центнердан ҳосил кўтарди ва 83 тонналик давлат буюртмасини бажарди. Фермер бу йилги пахта ҳосилдан қарийб 7 миллион сўм даромад олишни чамалаб турибди.

Давлатимиз раҳбари уқтирганидек, бугун фермердан, деҳқондан нафақат экин экиши, уни парвартириш, айна чоғда етиштирилган ҳосилни сотиш ва ундан тегишлича даромад олишининг пухта ҳисоб-китобини юртидагидан даражада замонавий фикрлаши талаб этилади. Бунда дунё бозорлари, хусусан, Ливерпул биржаси талабларига жавоб берадиган юқори сифатли, толаси пишиқ, ҳатто ранг-тусигача бозорбоп пахта навларини етиштириш алоҳида аҳамиятга эга. Бу, ўз навбатида, олимлар, соҳа мутахассисларининг фермерлар билан елкама-елка туриб ишлашнинг тақозо этади.

Ислон Каримов кегейлилик фермерлар эътиборини яна бир тармоқ — чорвачиликни ривожлантириш истиқболларига қаратди. Бу ерда чорва учун зарур йилловлар мавжуд. Чорвачилиқ ривожини янги иш жойлари очиб имконини беради, аҳоли фаровонлигини яхшилашда муҳим аҳамиятга эга.

Нукус тумани бу йил мавсумда пахта тайёрлаш бўйича давлат буюртмасини наинки Қорақалпоғистон Республикасида, балки мамлакатимизда биринчилардан бўлиб бажарди. Айна кунгача нукусликлар уйган ҳосил 125 фоиздан ошди.

Президентимиз ушбу тумanning пахтачиликда томчилаб сўғориш жорий этилган Нуридин Орифўжаев раҳбарлигидаги «Қорақалпоқтомат» қорхонасига қарашли тажриба далаларида бўлди. Ушбу усулнинг самараси ўлароқ, бу ерда ҳосилдорлик гектаридан 70 центнерни ташкил этмоқда. Бу нафақат Қорақалпо-

ғистонда, балки мамлакатимизда юқори кўрсаткичлардандир. Давлатимиз раҳбари томчилаб сўғориш усулининг қорақалпоқ шароити учун афзал жиҳатларини кишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги мутахассислари атрофлича ўрганиб, зарур тавсия ва хулоса беришлари лозимлигига эътиборни қаратди.

— Қорақалпоғистонликларнинг пахта етиштириш соҳасида эришаётган натижаларидан мамнунмиз, — деди Юртбошимиз. — Улар ушбу мўл-кўл ҳосилга фидокорона ва машаққатли меҳнат эвазига эришганлигини бу ернинг оғир шароитида яшаб кўрган ёки ана шу меҳнат заҳматини юрагидан ўтказиб кўрган одамгина чуқур англайди ва муносиб баҳосини беради.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудлари қатори Қорақалпоғистонда, айниқса, Нукус шаҳрида ҳам янгидан-янги иншоотлар, замонавий қорхоналар, шинам тураржойлар, коллеж, лицей ва мактаблар, маҳобатли маданият ва спорт саройлари қад ростламоқда.

Президент Нукус шаҳрида янги қурилаётган маданият коллежи биносида бўлди. Бу ердаги қурилиш ишлари билан танишар экан, Юртбошимиз бу каби касб-хўнар коллежларида, аввало, таълимнинг мазмунига, маънавий томонларига жиддий эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади.

Янги бинонинг кўриниши кўзни қувватлиб, дилни яйратади, деди Ислон Каримов. Аммо бундай таълим даргоҳларининг мазмунига нечоғли эътибор бераёلمиз? Эскича тутумни қилиб, янги коллежда юзлаб кутубхоначи кадрларни тайёрлаш мантиққа тўғри келмайди.

Барча соҳалар қатори кутубхоналар тизими ҳам компьютерлашиб бораётган бугунги кунда ёшларимизни компьютерда, Интернетда ишлашга ўргатиш зарур. Маданият соҳасида ҳозиргача қўлланиб келаётган «тўғарак», «маданий оқартув» сингари мантиқсиз, боз устига, эски тузум саркити бўлган туршунчалардан бутунлай воз кечиш фурсати аллақачон етган.

Юртбошимиз мазкур коллежда тайёрланадиган ихтисосликлар ва йўналишларни мутасадди раҳбарлар билан батафсил ўрганиб чиқиш зарурлигини таъкидлади.

Нукус аэропорти яқинида барпо этилган янги иншоот — Болалар спорт саройида баскетбол, гандбол ва волейбол билан шугулланиш учун барча шароит мўҳайё. Давлатимиз раҳбари унинг тренажёр хоналари, илғор технологиялар қўлланилган ёритиш ва иситиш тизимларини кўздан кечирди. Тай-бокс бўйича беш қарра жаҳон чемпиони Эркин

Қуттибоев, кўплаб миллий ва халқаро спорт мусобақаларида совринли ўринларни кўлга киритган қорақалпоқ спорти юлдузлари, шунингдек, машғулотларда қатнашаётган ёш спортчилар ва болалар билан мулоқотда бўлди.

Яқинда иш бошлаган Болалар аквапарки Нукус аҳлини, айниқса, ёшларни ҳам маънан, ҳам жисмонан қамолга етказиш борасида эришилаётган ютуқларимизнинг яна бир амалий исботидир. Ёзги соғломлаштириш-чўмилиш маркази сифатида фаолият бошлаган мазкур аквапарк ҳудудида иккита сув ҳавзаси мавжуд.

Ислон Каримов аквапарк билан танишиш чоғида унинг фаолиятини янада мукаммаллаштириш ва имкониятларини кенгайтириш, шу жумладан, аквапарк ҳудудидаги фавворани болалар руҳиятига мослаштириш, шинам ва салқин шийпончалар сонини кўпайтириш юзасидан мутахассисларга тегишли кўрсатма ва топшириқлар берди.

Ислохот — ислохот учун эмас, ислохот инсон учун. Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳалари каби таълим ва тарбия тизимида жорий этилаётган улкан янгиланишларнинг замирида ҳам айна шу руҳ мўжассам. Президентнинг 2004 йил 21 майдаги «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги Фармони бунда муҳим дастуриламал бўлмоқда. Фармон ижроси доирасида Қорақалпоғистонда залворли ишлар қилинмоқда.

Ўтган даврда Хўжайлидаги 1-Меҳрибонлик уйда амалга оширилаётган реконструкция ишлари бунга яққол мисол бўла олади.

Ҳозирги кунда бу ерда 150 дан ортиқ ўғил-қиз таълим-тарбия олмақда. Меҳрибонлик уйда болаларнинг таълим-тарбия олиши, ҳордиқ чиқариши, спорт билан шугулланиши учун барча шарт-шароит яратилмоқда. Қулай синф хоналари, кутубхона, ошхона, тиббий бўлим, маънавият ва маърифат, рақс, кийим тикиш, расм, мусиқа хоналари, шунингдек, спортзал, стадион, теннис корти шулар жумласидандир.

— Меҳрибонлик уйларида адолат ҳукмрон бўлиши керак, — деди Президентимиз. — Бундай муассасалар тарбияланувчилари ҳам бошқалар қатори ебичиб, кийиниб, таълим ва тарбия олиб, ҳаёт наҳидасини суришга ҳақли.

Ислон Каримов бу ерда амалга оширилаётган реконструкция ишлари юзасидан мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берди, Меҳрибонлик уйга «Самкочавто» заводида ишлаб чиқарилган автобус совға қилди.

Шу куни Президент Ислон Каримов Хоразм вилоятига жўнаб кетди.

**Фулон МИРЗОЕ,**  
**Аминбой ОРТИҚБОВ,**  
**ЎЗА махсус мухбирлари.**

### Мамлакатимизда

● «Ўзқўрғазмасавдо» марказида II Тошкент Халқаро туристик ярмаркаси доирасида «Экологик туризм куни»ни ўтказиш бўйича ташкилий қўмитанинг йиғилиши бўлиб ўтди.

● Тошкентда Ўзбекистон, Россия, Озарбейжон, Белорусь, Молдова ва Тожикистоннинг алоқа маъмурияти вакиллари иштирокида Ахборотлаштириш бўйича алоқа соҳасида минтақавий ҳамкорлик комиссиясининг навбатдаги йиғилиши ўтказилди.

● Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Республика кутубхоналари уюшмаси билан ҳамкорликда «Мутлола байрами-2005» республика китобхонлик кунлари бошланди.

● Самарқанднинг кўхна гўшаларидан бири — «Девори кўнда-ланг» маҳалласи ўз гузарига эга бўлди. 250 кишига мўлжалланган зал, бир нечта маданий-маърифий хоналар ҳашар йўли билан қуриб битказилди.

● Андижон вилояти, Бўз тумани маҳаллаларининг ташаббуси билан балоғат остонасида турган қизлар ўртасида сиёсий саводхонлик бўйича «Юртимиз зеболари» номи кўрик-танлов ўтказилди.

### Жаҳонда

● Япония парламенти махсус мажлисида Жунъитиро Коидзуми учинчи марта Бош вазир лавозимига сайланди. Қуйи палатадаги 479 депутатдан 340 нафари уни ёқлаб овоз берди.

● Украина парламенти Президент томонидан Бош вазир лавозимига тақдиф этилган Юрий Ехануров номзодини тасдиқламади. Бироқ Ехануров ҳозирча Бош вазир вазифасини бажариши давом эттиради.

● Нью-Йорк хом ашё биржасида нефть нархи арзонлаша бошлади. Мутахассисларнинг фикрича, бунга Нефть экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилотининг кунлик қашиб олиндиған нефть микдорини 2 миллион баррелга кўпайтириш ҳақидаги қарори таъсир кўрсатган.

**ПОЙТАХТНИНГ**  
**Дир кўни**  
Янгиликлар, воқеалар

**ҚИСҚА**  
сўзлар

● **БУГУН** Ўзбекистон Республикаси Давлат болалар кутубхонасида урни бойитиш бўйича давлат миллий дастури доирасида «Бойитилган нон —

анемияга қарши» мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

● **БУГУН** Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг чет тиллар факультетида талабаларнинг Олий Мажлис депутатлари билан учрашуви бўлиб ўтди.

● **КЕЧА** Учтепа тумани хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан Тошкент юридик касб-хўнар коллежида «Тадбиркорларнинг ҳуқуқий савод-

хонлигини ошириш ва янги қарорлар» мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

● **БУГУН** Миллий матбуот марказида «Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа маркази томонидан чоп этилган «Бекинма-чок» рангли-безакли, маърифий-тарбиявий болалар журналининг тақдимиюти бўлиб ўтди.

● **ШАҲРИМИЗДАГИ** Аброр Хидоятлов номи 173-ўрта умумтаълим мактабида «Қамолот»

ЕИХ етакчилигида сайловлар бўлиб ўтди.

● **БУГУН** Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг журналистика факультетида Маънавият кунлари доирасида бўлиб ўтган тадбирда талабалар «Саодат» журнали ижодкорлари билан учрашдилар.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги**  
**Матбуот хизмати**  
**ва ўз мухбирларимиз**  
**хабарларидан.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

Кичик ва хусусий тадбиркорликни юксалтириш янги иш жойларини барпо этишни, маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажмларини кўпайтиришни таъсирчан омилдир.

Иқтисодиётнинг хусусий секторини ривожлантиришнинг долзарб масалалари муҳофизатига бағишлаб парламент юқори палатасида 21 сентябрь куни бўлган давра сўхбатида бу фикрга қайта-қайта ургу берилди. Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари кўмитаси Монополиядан чиқариш, рақобатни ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат кўмитаси ҳамда Савдо-саноат палатаси иштирокида ташкил этган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш: муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари» мавзусидаги ана шу давра сўхбати иштирокчилари томонидан таъкидланганидек, бизда кичик ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан

бири бўлиб қолди. Юртимиз иқтисодиётида хусусий бизнеснинг мавқеи йилдан-йилга кучайиб, мамлакат янги ички маҳсулоти ишлаб чиқаришида унинг улуши ортиб бормоқда. Жорий йилнинг дастлабки олти ойи мобайнида кичик бизнес корхоналарининг сони 2004 йил якунларига нисбатан 12,7 фоиз кўпайди, шаҳар ва қишлоқларда ўн минглаб янги иш жойлари барпо этилди.

Шу билан бирга давра сўхбатида иқтисодиётнинг мазкур секторини ривожлантиришга, соҳадаги мавжуд муаммоларни жаддалик билан ҳал этишга қаратилган ишларнинг қўлamlари янада теран, ҳажмлари салмоқли бўлиши зарурлиги таъкидланди. Олий Мажлис ҳар иккала палатасининг қўшма мажли-

сида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан 2007 йилга бориб кичик бизнеснинг янги ички маҳсулотдаги улушини камида 45 фоизга етказиш юзасидан илгари сурилган вазифалар ҳам айтиш йўналишида иш олиб боришга ундамоқда. Кичик ва хусусий тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини янада оширишга қаратилган қонунларимиз, кейинги вақтларда давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган фармонлар ҳамда ҳукумат қарорлари бу муҳим ишда асосий роль ўйнайди, деб алоҳида таъкидланди тадбирда.

Сўзга чиққанлар томонидан тармоқ олдида турган муаммоларни ҳал этишда, хусусан солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такмиллаштиришда амалий аҳамият касб этадиган қатор тавсия ва таклифлар билдирилди.

Давра сўхбатида сенаторлар, тегишли вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг, фуқаролик жамияти институтларининг, халқаро ташкилотларнинг вакиллари, хусусий сектор тасарруфидаги баъзи корхоналарнинг раҳбарлари иштирок этдилар.

## Иқтисодиёт

### БҲҮҮРТМАЛАР КЎПАЙМОҚДА

Ички бозоримизни чуқур ўрганиш асосида, кичик корхоналар, хусусий бизнес субъектларига давлатимиз томонидан яратилаётган кенг имкониятлар ҳамда қулай шарт-шароитлар туфайли қўллаб-қувватлаш иқтисодиётимиз ривожига ўз хиссаларини қўшиб келишмоқда.

Шундай корхоналардан бири — Мирзо Улуғбек туманидаги «Ишонч-Рустам» шўъба корхонаси «Тошкент трактор заводи» Давлат акциядорлик жамияти қосида 1992 йилдан буён фаолият юритиб келмоқда. Уша йллари 3-4 нафар ишчи-хизматчилар билан иш бошлаганида жамоа штатлари тайёрланган, шундан кейин бирин-кетин кўйма маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

Ҳозирги кунга келиб 15 нафар ўз ишининг усталари жамоага бирлашган, уларнинг касб-маҳоратлари, тажрибалари туфайли корхона цехидаги дастгоҳ ва ускуналар янгилади. Яъни эскирган эҳтиёт қисмлар янгилашга алмаштирилди. Натижаму ҳам қўтилгандай бўлди ҳамда яхши самара бера бошлади.

Айниқса, кейинги икки йил корхона учун омадли бўлди, бу вақт мобайнида тадбиркорлар янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Маҳаллий хом ашёдан юртимиздаги мейбеласолик корхоналари ҳамда яқин тартибда иш юритувчи тадбиркорлар учун пластмассадан бир неча турдаги харидоригр маҳсулотлар тайёрланди, мижозлар мамнун этилмоқда.

### ХИССАЛАРИНИ ҚЎШИШМОҚДА

Ички бозоримизда маҳсулот турлари қанчалик кўп бўлмасин, нозиктаб харидор улардан сифатли, кўркам, нисбатан арзонини таллаши табиий. Собир Раҳимов туманида фаолият юритаётган «ГЮР» масулуятчи чекланган жамияти жамоаси худди шундай рақобатбардор чинни маҳсулотларини тайёрламоқда.

Мазкур корхонанинг 20 нафарга яқин тажрибали ишчи-хизматчилари бугунги кунда чиройли, нафис чинни буюмлар учун дярли тўқсон фоиз маҳаллий хом ашёдан фойдаланишмоқда. Асосан жамият ахли харидоригр чинилар — лаган, коса, чойнак, пиёла ҳамда тарелкалар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишган. Маҳсулот тайёрлаш технологиясига қатъий амал қилиш сифат кафолати эканлигини чиннисозлар яхши англаган ҳолда меҳнат қилмоқдалар.

Ушбу корхона тадбиркорларининг ички бозоримизни чуқур ўрганишлари асосида корхонада «Пахта», «Оқ олтин», «Шалпола», «Қора зумрад», «Узум» каби қўллаб-қувватлов термаларининг буюртмалар асосида, қисқа муддатларда тайёрлаб берилиши йўлга қўйилди.

Қувонарлики, тадбиркорлар йил охиригача ишлаб чиқаришни кенгайтириш, шу асосида янги иш ўринлари яратишни ўз олдларига эзгу мақсад қилганлар.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

## РОССИЯ МУДОФАА ВАЗИРИНИНГ ТАШРИФИ

Россия Федерацияси мудофаа вазири Сергей Иванов 21 сентябрь куни мамлакатимизга ташриф буюрди.

2004 йили Россия раҳбарининг Ўзбекистонга ташрифи чоғида Ислам Каримов ва Владимир Путин мамлакатларимиз ўртасида Стратегик шериклик тўғрисидаги шартномани имзолаган эдилар. Ушбу ҳужжат барча йўналишларда, жумладан, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий соҳаларда ўзаро ҳамкорликни янги поғонага кўтариш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратди. Президентлар эришган келишувларнинг натижаси сифатида Ўзбекистон ва Россия террорчиликка қарши кураш борасида ҳам яқиндан ҳамкорлик қилмоқда.

Ушбу ҳамкорлик доирасида шу кунларда «Фориш» полигонидида Ўзбекистон ва Россия қуроли қучларининг қўшма антитеррор тактик машқлари ўтказилмоқда. Мазкур тадбир мамлакатларимизнинг бу борадаги мақсад ва интилишлари муштарак эканлигига яна бир далиллардир.

— Биз ўзбекистонлик ҳамкасблар билан ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш масалалари юзасидан музокаралар ўтказамиз, — деди С.Иванов. — Ташриф давомида «Фориш» полигонидида икки мамлакат қуроли қучларининг қўшма антитеррор тактик машқларини кузатамиз. Бу машқлар ҳам ўзаро ҳамкорлигимиз изчил ривожланиб бораётганини кўрсатади.

Шу кунги пойтахтимиздаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири билан Россия Федерацияси Мудофаа вазири ўртасида давлат ҳаво кемалари парвозларининг хавфсизлиги соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди. Ҳужжатга Ўзбекистон мудофаа вазири Қ.Ғуломов ва Россия мудофаа вазири С.Иванов имзо чекдилар.

21 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий судида жорий йилнинг 12-13 май кунлари Андижон шаҳрида террорчилик ҳаракатлари ва бошқа ўта оғир жиноятлари содир этганлиқда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 97-моддаси 2- қисмининг ўн икки банди, 155-моддаси 3-қисмининг икки банди ва бошқа моддалари бўйича айбонлаётган Мўйдин Имонкулович Собиров, Фарҳод Умарович Ҳамидов ва бошқаларга оид жиноий ишнинг суд мажлисида кўрилиши давом эттирилди.

### СУД ДАВОМ ЭТМОҚДА

Суд мажлиси судланувчи М.Собировнинг жиноий иш ҳолатлари бўйича кўрсатмаларини эшитишдан бошланди.

Шунингдек, кўрсатмаларига аниқлик киритиш борасида раислик қилувчи, давлат айбловчиси, жимоячилар, жабрланувчилар ва уларнинг вакиллари томонидан берилган саволларга судланувчи М.Собиров содир этилган жиноят фактиларини юзасидан батафсил жавоб берди.

Суд мажлисида судланувчилар Ф.Ҳамидов ва А.Ҳакимов содир этган жиноятларига чин кўнгилдан пушаймонлик билдириб, жабрланувчилар ва уларнинг оила аъзоларидан кечирим сўради, жиноий иш ҳолатлари юзасидан икромлик кўрсатмалари берди. Суд мажлиси жараёни чет эл ва мамлакатимиз имомвий ахборот воситалари, шунингдек, дипломатик миссиялар ва халқаро ташкилотлар вакиллари кузатиб бормоқда.

Олий суд матбуот хизматида маълум қилинишича, суд мажлиси 22 сентябрь куни ўз ишини давом эттиради.

(ЎЗА)

тирок этишга яратиб берилган имконият учун беҳад миннатдоримиз. Унинг ташкил этилиши бизда катта таассурот қолдирди, афсонавий Регистон майдонида яна бир қарра бўлиш имконияти эса бизни гоят тўқинлантиради ва ҳаяжонга солади».

Париж шаҳри марказий туманларидан бирининг мэри Ж-Ф Легарэ эса куйидаги фикрларни изҳор этди:

— Бу фестивалнинг имкониятлари катта ва унинг истиқболи порлоқдир. У юксак дид билан тайёрланган, ўз услубига, қиёфаси ва халқаро нуфузига эга. Ушбу фестивалда қатнашиш ҳар қандай мусиқачи учун шарафлидир. Унда ҳар доим таниқли мусиқа танқидчилари иштирок этишди, уларнинг фикрлари эса доимо зарур. Ўзбек мусиқа усталари халқаро фестивалларда, Европада, хусусан Францияда ўтказиладиган концертларда кўпроқ иштирок этишини истар эдим.

«Жаҳон» АА

## МУСИҚА АНЖУМАНИНИНГ АКС-САДОСИ

«Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали оҳанглари унинг иштирокчилари ва томошабинларнинг қалбидида ҳамон жанранглайди. Мазкур қуй ва қўшиқ анжумани муносабати билан Самарқандда бўлган франциялик меҳмонлар Парижга қайтганларидан сўнг фестиваль тўғрисида куйидаги таассуротларини ўртоқлашдилар:

— Мен ушбу ажойиб гоёнинг ташаббускори бўлган Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовга самимий миннатдорлик билдиришни истар эдим, — дейди таниқли француз мусиқачиси Шарл Азнавур. — Чунки у бутун дунёдаги қуй ва қўшиқ усталари ўз санъатларини кўҳна ва ҳаммаш навқирон Самарқанд шаҳрида намойиш этиши гоёсини ҳаётга тадбиқ этди. Шунингдек, мазкур оламшумул лойиҳани зўр иштиёқ билан амалга оширишга қўмақлашганларнинг барчасига ўз миннатдорлигини билдира-

ман. Чунки, зўр баҳамжиҳатликнинг натижаси ўлароқ, дунёнинг мусиқа санъати усталари ва ихлосмандлари бу бетакрор юрда ҳар икки йилда бир мартаба учрашиш имконияти юзгага келди.

ЮНЕСКО Бош директорининг маслаҳатчиси, «Шарқ тароналари» мусиқа фестивали ҳайъатининг аъзоси Норико Айкава анжуман ташкилотчилари номига йўллаган мактубида шундай дейди: «Биз «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали деб аталмиш ажойиб мусиқа шодиёнасида иш-

## ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА МЕҲМОНЛАРНИ КУТМОҚДА

Пойтахтимизда шу йил 1-7 октябрь кунлари III Тошкент халқаро биеналеси бўлиб ўтади

гояларига садоқат, ватанпарварлик, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат туйғуларини сингдириш муҳим ўрин тутди.

Ватанимиз маданий ҳаётида унутилмас воқеа — учинчи Тошкент халқаро биеналеси Ўзбекистон Бадий академияси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамкорлигида ўтказилади. Унда қатнашчилар ва меҳмонлар истиқлол йилларида барча жаҳаларда бўлгани каби юртимиз тасвирий санъат соҳасида эришилган ютуқлар билан танишади. Юртошларимиз эса жаҳон тасвирий санъатидаги сўнгги янгиликлардан бохабар бўладилар.

Шуни ҳам айтиш жоизки, ушбу халқаро кўргазмада турли давлатлардан иштирок этиш истагини билдираётган мусаввирлар сони тобора ортаётгани унинг мавқеи ва нуфузи йил сайин юксалиб бораётганидан далолатдир. Бу йилги биеналда жаҳоннинг йигирма олти давлатидан таниқли мусаввир ва санъатшунослар иштирок этиш истагини билдириган. Франциялик санъатшунос Андрэ Наквов раҳбарлигидаги жюри ҳайъати аъзоларининг нафақат юртимиздан, балки Россия, Миср Араб Республикаси, Жанубий Корея каби давлатлардан эка-

ни танловга қўйилган асарлар ҳолис ва адолатли баҳоланишдан далолатдир.

Учинчи Тошкент халқаро бадий кўргазмаси тадбирида Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар зали, Ўзбекистон Тасвирий санъат галереяси, Замонавий санъат маркази ҳамда Ўзбекистон Бадий академияси Халқаро маданият қарвон саройида бўлиб ўтади. Биенале доирасидаги танловда асарлар рақсасида, видео-арт, инсталляция, фото каби турт йўналиш бўйича баҳоланади.

Тадбир доирасида моҳир мусаввир ва санъатшунослар иштирокида маҳорат сабоқлари, ижодий анжуманлар, учрашувлар, кўргазмалар ташкил этилади. Биеналеда қатнашчилари пойтахтимиздаги қатор музейлар, санъат қозоналирига ташриф буюрадилар. Қадимий ва ҳаммаш навқирон Самарқандни зиёрат қилдилар.

Назокат УСМОНОВА, ЎЗА муҳбири

Ҳар икки йилда бир марта ўтказиладиган мазкур халқаро бадий кўргазма МДҲда илк бор 2001 йилда Ўзбекистонда ташкил этилган эди. Унинг юртимизда ўтказилиши давлатимиз раҳбарининг маданият ва санъат, маънавият ривожига бераётган улкан эътиборининг яна бир далилидир.

Одамлар қалби ва онгида инсонпарварлик гоёларини шакллантириш, уларни эзгуликка даъват этиш, халқлар ўртасида дўстлик шартларини мустаҳкамлашда санъатнинг ўрни ва аҳамияти беқийсдир. Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда санъатнинг барча турлари каби тасвирий санъат ривожига, бу соҳада изланаётган ижодкорларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга, ёш истеъдод соҳабларини излаб топишга алоҳида эътибор берилаётди. Айнан санъат воситасида кишилар, айниқса ёшлар қалбидида таниқли истиқлол

## Анжуманлар

## АЁЛ ВА РЕПРОДУКТИВ САЛОМАТЛИК

Мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, оилада тиббий маданиятни ошириш каби масалалар муҳим устувор вазифалардан ҳисобланади. Президентимизнинг ўтган йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида ҳам ушбу масалалар алоҳида таъкидланган.

Маълумки, айни кунларда шахримиздаги барча туман хотин-қизлар кўмиталари томонидан Сихат-саломатлик йилга бағиш-лаб «Аёл ва саломатлик» мавзусида анжуманлар ўтказилмоқда. Жумладан куни кеча Миробод туман ҳокимлигида ҳам худди шу мавзуда анжуман бўлиб ўтди. Унда тумандаги маҳаллалар фаоллари, маҳалланинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, шунингдек тумандаги тиббий муассасаларнинг вакиллари иштирок этишди.

Анжуманда Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитасининг раиси Фаарида Абдурахимова сўзга чиқиб, бугунги кунда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилада тиббий маданиятни ошириш, ўсмир қизлар саломатлигига эътибор қаратиш, шунингдек, ёшларнинг тиббий кўриқдан ўтишлари борасида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ва мавжуд муаммоларни бартараф қилиш хусусида ўз фикрларини баён этди. Шунингдек анжуманда Миробод тумани ҳокими ўринбосари, хотин-

қизлар кўмитасининг раиси М.Зоҳидова «Аёл — жамиятнинг асосий негизи», Миробод туман худудий тиббиёт бирлашмаси бош мутахассиси Н.Холмухамедова — «Аёл ва репродуктив саломатлик», туман Марказий тахшис шифохонаси бош шифокори Д.Набиҳонова фертил ёшидаги аёлларнинг саломатлигини мустақамлаш, ёш келин-куёвларни тиббий кўриқдан ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишлар хусусида, шунингдек, тумандаги 5-туғруқ мажмуаси бош шифокор ўринбосари Н.Асадуллаева «Репродуктив саломатликда акушерлик комплексининг роли» мавзусида сўзга чиқиб, аёллар саломатлигини муҳофаза қилиш, оилалар тинчлиги, фаровонлигини таъминлаш, фарзандлар тарбияси, ўсмир қизларни турмушга тайёрлаш каби масалаларга батафсил тўхтадилар. Шу билан бирга мавжуд муаммоларни ҳал қилиш бўйича келгусида қилиниши керак бўлган вазифалар ҳақида ўзаро фикр алмашдилар. Қизиқарли бахмунозарга остида ўтган йиғилишда аёллар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан етарлики жавоб олдлар.

Дилором ИКРОМОВА

Кўргазмани ITE Group Plc (Буюк Британия) халқаро кўргазма компанияси ва ITE Uzbekistan компанияси ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат кўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Савдо-санъат палатаси, «Рақамли ривожланиш ташаббуси» дастури (БМТ Тараққиёт дастури) кўмагида ташкил этди.

Кўргазманинг очилиш маросимида таъкидландики, InfoComExpo-2005 Марказий Осиёда телекоммуникация ва ахборот технологиялари соҳасида муҳим воқеа ҳисобланади. Кўргазма энг янги технологиялар ва хизматларни намойиш этишда муҳим роль ўйнайди, тажриба алмашиш, шериклар топишга ёрдам беради, алоқа соҳаси мутахассислари ва бу ерга ташриф буюрган кишиларда катта қизиқиш уйғотади.

Ўзбекистонда ҳам, дунёнинг кўпгина мамлакатларидаги каби, АКТни ривожлантириш ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг стратегик йўналиши деб тан олинган, инвестициялар, ҳуқуқий муҳит, кадрлар таъминотида унга устувор аҳамият берилмоқда. Айни пайтда Ўзбекистон АКТни ривожлантиришнинг муҳим ҳуқуқий ва ташкилий-иқтисодий асосларини белгилаб берувчи қонунчилик базасига, ушбу соҳада ишончли ва муайян даражада модернизация қилинган инфратузилмага эга.

Ўзбекистон телекоммуникацияси соҳасида илмий-техника тараққиётининг энг янги ютуқларидан фойдаланиш кўлами муҳим умумийлиги ҳужжатлар асосида жадал кенгайтирилмоқда. Бу ҳужжатлар орасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғри-

сида»ги Фармони ҳамда АКТни ривожлантириш билан боғлиқ қатор қонунларни қайд этиб ўтиш жоиз. Мазкур ҳужжатларда АКТнинг телекоммуникация инфратузилмаси, Интернет тармоғининг миллий бўғинини ривожлантириш, компьютер техникаси билан жиҳозлаш ва компьютер тармоқларини ривожлантириш, дастурий маҳсулотлар саноатини ташкил этиш, ахборот ресурсларини шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш, соҳада кадрлар тайёр-

рий таъминот ҳамда хизматлар тақлиф этувчи компаниялар киритилган.

Шунингдек, соҳа мутахассислари эътиборини мультисервис тармоқлари, телерадио эшиттирувчи ва уяли телефонлар ишлаб чиқарувчилар, Интернет ва мобил алоқа провайдерлари, биллинг тизимлари, компьютер, телевидение ва модем ускунаси, жумладан тармок терминллари тизими, локал тармокларни ташкил этиш стандартла-

радио эшиттиришлар дастурлари, Интернетдан фойдаланиш ва бошқа барча турдаги хизматларни тақлиф этади. Компаниянинг транспорт тармоғи, SDH замонавий тармок технологиялари-дан фойдаланилаётгани боис, толали-оптик ва радиорелей линиялар негизида ташкил этилган. Халқаро каналлар эса йўлдош ва толали-оптик алоқа линиялар бўйича ташкил этилган.

Бу каналлар деярли бутун дунё билан боғлиқлиги имкониятини беради. Бугунги кунда CDMA стандарти асосида мобил алоқа хизматини жорий этиш ишлари бошланган. «Ўзбектелеком» халқаро телекоммуникация ташкилотлари билан ҳамкорлик қилмоқда ва Халқаро элктр алоқа иттифоқининг аъзоси ҳисобланади.

«Ўздунробита» компанияси Ўзбекистоннинг қарийб барча худудига уяли алоқа хизматини кўрсатади. У мамлакатимиз мобил телекоммуникациялари бозорида етакчилардан бири бўлиб, Ўзбекистоннинг барча худудларида ўз офисига эга, GSM 1800/900 ва DAMPS 800 стандарти бўйича хизмат кўрсатади. Компания абонентлари турли замонавий рақамли хизматлардан, шунингдек, қўллаб ахборот ва қизиқари хизматлардан фойдаланиши мумкин.

Компаниялар вакиллари ва бу ерга ташриф буюрган кўп-ла меҳмонлар InfoComExpo кўргазмаси унинг иштирокчиларининг ўзаро фойдали ҳамкорлигини янада ривожлантириш, барқарор алоқаларни йўлга қўйиш ва мустақамлашга хизмат қилишини таъкидлади. Кўргазманинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори А.Орипов иштирок этди.

В.НИКОЛАЕВ,  
ЎЗА мухбири

## «INFOCOMEXPO-2005» ТАКЛИФ ҚИЛМОҚДА

Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»да «Телекоммуникация ва ахборот технологиялари» (InfoComExpo-2005) 6-Ўзбекистон халқаро кўргазмаси очилди. У «Ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги» доирасида ўтказилиб, мазкур соҳани ривожлантиришга қаратилган қатор тадбирларни қамраб олади. Ҳафталик давомида Ўзбекистонда Ахборот-коммуникация технологияларини /АКТ/ ривожлантириш бўйича Миллий саммит, семинарлар, фирмалар тақдиротлари, Интернет ва Интернет-технологиялар билан боғлиқ оммавий тадбирлар, бир неча компьютер ўйинлари бўйича мусобақалар ва бошқа тадбирлар ўтказилади.

лаш ва рақобат муҳитини ривожлантириш каби йўналишларда уларнинг ижросини таъминлайдиган аниқ мақсад ҳамда чора-тадбирлар белгиланган.

Бу йил InfoComExpo-2005 кўргазмасида 14 мамлакат — Ўзбекистон, Бельгия, Германия, Голландия, Канада, Хитой, Латвия, Россия, АҚШ, Словения, Туркия, Украина, Жанубий Кореядан 60 дан ортиқ компания иштирок этмоқда.

Кўргазманинг тематик бўлимларига миллий, минтақавий ва халқаро телекоммуникация операторлари, «сўнгги миля» ечимлар таъминотчилари, кенг поласали йўлдош алоқаси, йўлдош асбоб-ускуналари ва маълумотлар узатиш операторлари, Интернетга юқори тезкорлик билан боғланишдан кенг поласали симсиз фойдаланиш учун дасту-

ри, фибро-оптик кабель тизимлари декодерлари, интерактив телевидение асбоб-ускуналари, компьютерларни ишлаб чиқарувчилар жалб этди.

Кўргазмада 18 компанияни ўз ичига олган Ўзбекистон Миллий стенди биринчи марта алоҳида жойлаштирилди. Улар орасида «Ўзбектелеком», «Ўзбек таксофони», «Uzdunrobita», «Unitech», «Unitel» «Маориф Плюс», «Коинот» ва бошқа йирик компаниялар бор.

Республикамизда йирик телекоммуникациялар оператори бўлган «Ўзбектелеком»ни ушбу маҳаллий компаниялар орасида энг йириги дейиш мумкин. У ўз тармоғи билан бутун Ўзбекистон Республикаси худудини қамраб олган. Компания замонавий телекоммуникация тармокларидан фойдаланган ҳолда, овоз алоқаси, маълумотлар узатиш, теле-

ча худудларида ўз офисига эга, GSM 1800/900 ва DAMPS 800 стандарти бўйича хизмат кўрсатади. Компания абонентлари турли замонавий рақамли хизматлардан, шунингдек, қўллаб ахборот ва қизиқари хизматлардан фойдаланиши мумкин.

Компаниялар вакиллари ва бу ерга ташриф буюрган кўп-ла меҳмонлар InfoComExpo кўргазмаси унинг иштирокчиларининг ўзаро фойдали ҳамкорлигини янада ривожлантириш, барқарор алоқаларни йўлга қўйиш ва мустақамлашга хизмат қилишини таъкидлади. Кўргазманинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори А.Орипов иштирок этди.

В.НИКОЛАЕВ,  
ЎЗА мухбири

## Саҳна

## «СОҒ ТАНДА — СОҒЛОМ АҚЛ» САҲНАДА

«Сихат-саломатлик йили» давлат дастури доирасида йирик маданий тадбирлар ўтказилмоқда. Республика кўғирчоқ театри жамоаси ҳам қатор маданий тадбирларни амалга оширишга киришди.

Янги постановка қилинган спектакллардан бири «Халиф-лайлак» деб номланди. Инсон саломатлиги билан боғлиқ бу саҳна асаридида долзарб масалалар ўз саҳнавий талқинини топди.

Кичик саҳна усталарининг «Соғ танда — соғлом ақл» деган спектакли ҳам намойиш қилинади. Болаларни соғлом бўлиб ўсишга ундовчи мазкур асар театрнинг янги мавсуми дастурига киритилди.

## ЯНГИ ИЖОДИЙ МАВСУМ

Германиядаги Гёте институтининг Тошкентдаги ваколатхонаси ўзининг янги ижодий мавсумини бошлади. Бу ижодий жараён замонавий немис мусиқа кечаси билан оқишди.

Кино санъати соҳаси бўйича намойиш қилинадиган томоша дастури ҳам ранг-баранг қилиб тузилди. Немис киноусталари суратга олган тўртта фильм ҳам кўрсатилди. «Агирре, Оллох қаҳри», «Фитцакар-ральдо» каби экран асарлари шулар жумласидан.

## ЭНГ ЯХШИ ТЕАТРАЛР ҚАТОРИДА

Буюк ёзувчи Антон Чехов номида Москвада ташкил этилган халқаро фестивал бу сўз санъаткори пьесалари учун жиддий ижодий кўрик бўлди. Унинг дастурида «Содом ва Гоморра» постановкаси ҳам бор эди.

Мазкур саҳна асари Ўзбекистон Ёшлар театри томонидан ижро этилди.

Шуни мамнуният билан айтиш жоизки, Россия Федерацияси театр арбоблари кенгаши мазкур постановкага юқори баҳо берди. Бу ажойиб саҳна асари учун Ёшлар театри фестивалда қатнашган энг яхши театрлар сафидан ўрин олди.

Ақбар АЛИЕВ

## МУРУВВАТ ПОЕЗДИ ЙЎЛГА ЧИҚДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 25 январдаги 30-сонли «Сихат-саломатлик йили» давлат дастурининг қабул қилиниши муносабати билан қўйилган асосий масалалардан бири — усиб келаятган авлодни жисмонан ва маънавий жиҳатдан соғлом ва интеллектуал шахс этиб тарбиялашдан иборатдир. Республикаимизнинг энг чека худудларидаги муҳтож аҳолини тиббий-ижтимоий патронаж хизмати билан қамраб олишни ташкил этиш, юқори малакали тиббий ва мурувват ёрдамни кўрсатиш — давлат дастурининг асосий йўналишларидан бири бўлиб, ушбу дастур йўналишлари доирасида, ҳуқуқматга қарашли бўлмаган «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, Республика Хотин-қизлар кўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акционерлик компанияси ўзаро ҳамкорликда Урганч-Навоий-Нукус йўналишидаги «Мурувват» поездини ташкил этишди.

«Ўзбекистон темир йўллари» ДАЖ томонидан махсус вагонлар тақдим этилиб, 15 кишидан иборат юқори малакали шифокорлар (терапевт, педиатр, акушер-гинеколог, невропатолог ва бошқалар) гуруҳи Республикаимизнинг Хоразм, Навоий вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасининг чека туманларида истиқомат қилувчи аҳолига зарур тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш мақсадида куни кеча Тош-

кент шимолий вокзалидан йўлга чиқди. Ушбу мурувват поезди жамғарманинг ҳорижий ҳамкор ташкилотлари томонидан келтирилган жами 30 миллион сўмлик ҳамда 727 149 АҚШ доллари миқдоридидаги дори-дармонлар, витаминлар, санитария-гигиена воситалари, ногиронлик арава-чалари, кийим-кечак, оёқ кийимлар, болалар озиқ-овқатлари ва бошқа жиҳозлардан иборат бўлган мурувват ёрдамларидан ташкил топган.

Жойларда тиббий-ижтимоий патронаж бригад вакиллари асосан болалар, хотин-қизлар, барча фуқароларни тиббий кўриқдан ўтказдилар ва муҳтож бўлган беморларга мурувват ёрдамини кўрсатадилар. Бундан ташқари жамғарманинг Навоий, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси минтақавий филиалларининг «Автоамбуланс»лари орқали чека туманларда истиқомат қиладиган аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини тиббий кўриқдан ўтказиб, мурувват ёрдамларини топириш кўзда тутилган. Шунингдек, ногиронлар, боқувчисиз қолган ва қў болали оилалар, болалар ва ўсмирлар малакали шифокорлар томонидан текширилади. Бундан ташқари, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш бўйича урғушувлар, давра суҳбатлари, тиббий маслаҳатлар ва хайрия ёрдамлари кўрсатилади, зарурати туғилганда, аниқланган беморлар жойлардаги шифоналар ва Тошкент шаҳридаги даволash муассасаларига даволаниш учун юборилади.

(Ўз мухбиримиз)

Маълумки, сўнгги йилларда экология сўзи жуда оммавийлашиб кетди. Ҳозирги кунда атроф-муҳитнинг номақбул ҳолати ҳақида гапирилганда, бу сўз тез-тез тилга олинади. Экология атамасини биринчи марта фанга немис биологи Эрнест Ҳеппен киритган. Экология сўзи ўз мазмунига кўра «уй ҳақида ва ўзининг яшаш жойи ҳақидаги фан», деган маънони аниқлатади. Табиатнинг ёмонлашуви, сув манба-

55-моддада ер, сув, ер ости бойликлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умумийлиги бойлиқдир, улардан оқилона фойдаланиш зарурлиги ва улар давлат муҳофазасида эканлиги қайд этилган. Юртбошимиз экологик муаммолар ҳақида сўз юритиб «Экологик хавфсизлик муаммоси аллақачонлар миллий ва минтақавий доирадан чиқиб,

ниши камайишидан, сувни зарарли таъсирлардан сақловчи объектларнинг ҳолатини яхшилашдан иборатдир. 1993 йилнинг 7 майда алоҳида муҳофазга этиладиган ҳудудлар тўғрисида қонун қабул қилинди. Бу қонун ҳозирги ва келажак авлод манфаатларини кўзлаб ноёб ҳамда экологик, иқтисодий, илмий-маданий, санитария соғломлаштириш, эстетик нуқтани назардан миллий бойлик

Олтин куз фасли келиб, атроф-муҳитга ўзининг олтин либосини кийгизди. Табиийки, шаҳримиздаги кўп қаватли уйларнинг томи битум билан таъмирлаш ишлари бошланди. Қурилиш ва бошқа ишларни бажариш чоғида ёқилган моддалар ва бинокорлик материалларни тўплаш, махсус техник қурилмасиз очки аланга олдириб уларни ёқиш, битум эритишда атмосфера ҳавосини муҳофазга қилиш талабларига риоя қилмаслик ҳолатлари кузатилаётган. Бу атмосфера ҳавосини муҳофазга қилиш тўғрисида қонуннинг 24-моддасига зиддир. Қолаверса бу нарса корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг атмосфера ҳавосини муҳофазга қилиш соҳасидаги мажбуриятларини бажармаганлигини кўрсатади.

Чилонзор туманининг Халқлар дўстлиги кўчасидаги 11-уйнинг долар ширкати томонидан қонунбузарликка йўл қўйилган бўлиб, бунинг учун у қўмита томонидан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 88-сонли моддаси, 1-қисмига асосан жазоланди. Бу ҳолат

иштар эдик. Тошкент шаҳар табиатни муҳофазга қилиш қўмитасининг нозирлари атроф-муҳитга зарар етказаятган шахсларни аниқлаб жазолаш билан қишлоқ тарбиявий тарғибот-ташвиқот, тушунтириш ишларини

олиб боришни ҳам йўлга қўйишган. Айниқса, уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва маҳаллалар ҳамда мактабларда ўтқа-

лаб мамлакатимизда атроф табиий муҳитни ифлослантирганлик ва чиқиндиларни жойлаштирилганлик учун компенсация тўловлари жорий этиш тўғрисида махсус қарор қабул қилинган эди. Мазкур қарорга кўра, қайси идорага мансублиги, мулкчилик шакли ва ҳужалик фаолиятдан қатъи назар атроф табиий муҳитни ифлослантирувчи ва чиқиндиларни жойлаштирувчи юридик шахслар табиий муҳитни ифлослантирилганлиги ва чиқинди ташланганлиги учун компенсация тўловлари тўлайди. Компенсация тўловларининг ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25 кунигача тўланиши белгиланган. Бу қарорни тумандаги барча ташкилот, корхона ва муассаса раҳбарлари ўз вақтида бажаришлари зарур.

М.УМАРОВА, давлат нозир

### ҚОНУНЛАР — ИШ МЕЗОНИМИЗ

Мустақил Республикаимиз олдида табиатни муҳофазга қилиш ва унинг бойликлари оқилона фойдаланиш, асраш каби улкан ва олижаноб вазифалар турибди. Бу борада давлатимиз томонидан ўнлаб қонунлар қабул қилинган. Тошкент шаҳар табиатни муҳофазга қилиш қўмитаси ўзининг иш фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига таяниб иш кўради.

ларининг ифлосланиши, ўрмон дарахтларининг кесилиши каби ҳолатлар инсоният олдида атроф-муҳитга оқилона муносабатда бўлиш, табиатни муҳофазга қилиш бўйича режа-тадбирлар ишлаб чиқиш, тадбирларнинг бажарилишини амалга ошириш каби вазифаларни кўради.

Табиий ресурсларни муҳофазга қилиш ва улардан фойдаланиш, атроф-муҳитни муҳофазга қилиш Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50,54,55-моддаларида қайд этиб ўтилган. Хусусан, 50-моддада «Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мансубдирлар» дейилади. 54-моддада эса мулкдорлар мулкига ўз хоҳишича эгаллик қилади, ундан фойдаланишдан ва уни тасарруф этади. Мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга таъсир этмаслиги, зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини, ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт эканлиги кўрсатилган.

бугун инсониятнинг муаммосига айланган», — деган эди. Бу ерда экологик масъулиятнинг умуминсоний характерга эгаллиги таъкидланмоқда. 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг табиатни муҳофазга қилиш тўғрисидаги қонунда табиий муҳит шароитларини сақлашнинг, табиий ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий, иқтисодий ташкилий асослари белгилаб берилган. Қонуннинг мақсади инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар уйғун мувозанатда ривожланишини, экологик тизимлари табиат комплекслари ва айрим объектлар муҳофазга қилинишини таъминлашдан, фуқароларнинг қулай атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини кафолатлашдан иборатдир. 1993 йилнинг 6 майда сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисидаги қонун қабул қилинган. Бу қонун сув-ер доир муносабатларни тартибга солишдан, аҳоли ва халқ ҳўжалиги эҳтиёжлари учун сувдан оқилона фойдаланишдан, сувнинг буғланиши, ифлосла-



Назорат

### СУВ — ҲАЁТ МАНБАИ

Инсоният доимо табиат қўйнида фаолият кўрсатади, табиат билан узвий муносабатда бўлади. Инсонга нима керак бўлса, у барчасини табиатдан олади. Одамзод энг аввало ўзининг меҳнат фаолияти билан атроф-муҳитга катта таъсир кўрсатади. Бу фаолият оқилона ташкил этилмаса ва табиат билан тўғри муносабат ўрнатилмаса, инсоният ўзи ва табиат учун турли муаммоларни келтириб чиқаради. Булардан бири экологик муаммолардир.

Инсон юриятаётган ҳўжалик фаолиятининг атроф-муҳитга таъсири доираси ичида энг асосийси тоза сув муаммосидир. Чунки ер юзидеги сувлар атроф-муҳитнинг энг таъсирчан қисми ҳисобланади. Сув — бу инсониятга табиат томонидан берилган ҳаёт манбаи, бебаҳо неъмат, бойлиги ва инъомидир. Сув ҳаётнинг туғилишида, об-ҳаво ва иқлим ўзгаришида, инсон саломатлигини сақлашда асосий роль ўйнайди. Ҳозирги кундаги бизнеснинг асосий вазифаларимиздан бири сувни тежаш чора-тадбирлари мажмуини амалга ошириш, уни ифлосланишдан сақлаш, исроф бўлиш даражасини энг кам миқдорга келтириш, атроф-муҳитнинг табиий ўзгаришларини ўрганишдан, назорат қилишдан иборатдир. Бу эса экологик мониторинг тизимини ташкил этиш ва унинг ёрдамида атроф-муҳитга минтақавий ва глобал миқёсда баҳо бериш имконини беради.

Ер қурсида сувлар турлича жойлашган. Хусусан, ер ости сувлари ер қаватида жойлашган бўлса, ер усти мавжуддир. Ер усти сувлари анчагина чуқурликда бўлиб, артезиан сувлар номи билан юритилади. Тошкент шаҳри ҳудудидан ўткучи каналлардан Бўзсув, Анҳор, Бўржар, Сағор, Қорасув, Дамачи, Кайковус, Найман каби каналлар пайтахтимизимиз микроклимини сақлашда катта аҳамиятга эгадир. Бу каналлар шаҳримизнинг деярли барча туманларида об-ҳаво ва иқлим ўзгаришида сув олиш манбалари эса асосан Чирчиқ дарёсидан жойлашган корхоналар, маҳаллалар, кўплаб чиқиндилар тўғрисида бўлиб келади. Бундай ҳолга бошқача каналлар бўйича ўтқа-

У Бўзсув каналидан сув олиб, Чилонзор ва Яққасарой туманлари ҳудудидан оқиб ўтади. Каналнинг ўнг қирғоғи Чилонзор туманига, чап қирғоғи эса Яққасарой туманига қарашли. Унинг икки қирғоғи бўйлаб корхоналар, маҳаллалар, хусусий хонадонлар жойлашган. Ушбу хонадонларнинг ошхоналари, ҳаммом-лари, ҳожатхоналари, мол-донхоналарида чиқадиган кўплаб чиқиндилар тўғрисидадан тўғри шу каналга ташланади. Бундай ҳолга бошқача каналлар бўйича ўтқа-

Ушбу каналлар бўйларидан жойлашган корхоналар, маҳаллалар, кўплаб дуч келинди. Ҳозирги куннинг долзарб муҳим муаммоларидан бири, бу — очик сув ҳавзаларида чиқинди оқоватларнинг тарқалиши, каналлар ва маҳаллаларда эса оқоватлар ва қирғоқларда жойлашган корхона ва хонадонлардан чиқадиган чиқинди оқова сув манбаларида ҳам йўқ эмас.

Шаҳримиз ҳудудидан ўткучи сувларнинг софлигини назорат қилиш ва таъмирлаш ишлари бажарилиши табиатни муҳофазга қилиш қўмитаси томонидан тежаш ишларида «Чилонзор» буюм шириб кўрилди. Ушбу рейд ва бозори ёнидан оқиб ўтқучи Конкус каналига таққосчилик ва нуқсонлар аниқлаш мақсади билан қарамаланди. Масалан биргина Бўржар канални олайлик.

Унинг тевағида жойлашган умумий овқатланиш шохбчалари чиқинди оқаваларни шу сувга ташлашади. Улар бу қилмишлари билан сувни нақадар ифлослантираётганликларини ўйлашмайди. Ваҳоланки ёзнинг жазирама кунларида ёш болалар шу каналда чўмилишади. Шунингдек, Зағиота туманининг Эркин маҳалласига туташ бўлган жойда қад ростилаётган янги маҳалла аҳолиси ҳам шу ариқ сувидан фойдаланади. Янги маҳалланинг баъзи кўчаларида сув танқислиги сабабли бу ерда истикомат қилувчи аҳоли ичимлик сифатида ҳам шу сувдан фойдаланади.

Бир сўз билан айтганда, оқар сувлар бизнинг бойлигимиз. Уларни ифлослантирмаслик учун барчамиз бир ёқадан бош чиқариб курашимиз керак. Бекорга ҳам ота-боболаримиз қадим-қадим замонлардан бошлабқо табиатга оқилона муносабатда бўлишмаган. Улар нафақат кудук суви, балки ариқ ва дарё сувларини ҳам муқаддас билишган. Улардан тежаб-тергаб фойдаланишган. Ифлосланишига мутлақо йўл қўйишмаган. Зеро, бугун биз ҳам сувни эъозлаб қадрласак, уни тоза сақлаш чораларини кўрсак, келгуси авлодларга табиатимиз гўзалликларини кам-кўстисиз етказишга ҳаракат қилсак ҳаётимизнинг гўзал, обод ва фаровон бўлишига кўмаклашган бўламиз.

Муҳофазга

### ТАБИАТГА ЗАРАР ЕТМАСИН

Табиий ресурслардан самарали фойдаланиш, атмосфера, сув ва ер ресурсларини муҳофазга қилиш, чиқиндиларни қайта ишлаш, табиий ҳудудларни муҳофазга қилиш ва экологик ҳуқуқ ва тарбия муаммоларини ҳал қилиш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Атроф-муҳитни муҳофазга қилиш масалаларидан аҳолини етарлича хабардор эмаслиги асосий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Мамлакатимизнинг экологик хавфсизлиги, унда яшовчи инсонларнинг тақдирини албатта ушбу муаммолар билан чамбарчас боғлиқдир. Узок йиллар давомида биз табиатдан фақат тортиб олдик, аммо келажак тақдиримизни ўйламадик. Натижада шу табарруқ заминимизни жароҳатлаб, бу билан биз фақат табиатнигина эмас, балки ўз-ўзимизни ҳам жароҳатладик. Ҳозирги даврда экологик вазиятнинг қалтирлиги ҳаммамиз учун сир эмас.

Табиатнинг захарланиши оқибатида инсон зарар кўрмоқда. Фарзандларнинг соғлом туғилиши, турли хил касалликларнинг пайдо бўлишининг олдини олиш учун ҳаммамиз биргаликда ҳаракат қилишимиз керак. Охириги йилларда инсоният табиатга жуда кўп зарар етказмоқда. Бунинг натижасида кўпгина фойдали ўсимлик ва ҳайвонот турлари йўқолиб кетмоқда. Сув, тупроқ ва атмосферага минглаб тонна захарли моддалар чиқарилиб, сахаролар кенгайиб, ерлар шўрланган, озон қатламлари емирилмоқда. Дунёдаги ҳамма мамлакатлар экологияга, атроф-муҳит муҳофазасига катта эътибор беради. Ривожланган мамлакатларда табиатни ифлослантирган фуқаролар учун катта жарималар белгиланган. Кўча ва йўлақлар қанчалик озода сақланса, кўкаламзорлаштирилса ҳар хил юқумли касалликлар камаяди, фарзандларимиз ҳам шунчалик соғлом бўлишади. Табиатга меҳр уйғотишни боғча, мактаб давридан бошлаш керак.

Инсон ҳам табиатнинг бир қисми, унинг бугуни ҳам, эртаси ҳам табиат билан узвий боғлиқдир. Табиатга етказилган ҳар бир зарар келажакимиз йўлига чоҳ қазиш билан баробар.

Д.ТОЖИЕВА, лаборатория қисми раҳбари

Можа ҳаво — танга ҳаво

### ҲАР БИРИМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ

Ҳозирги кунда инсоният учун жиддий хавф туғдираётган ҳолатлардан бири экологик вазиятнинг ёмонлашуви ва атроф-муҳитнинг ҳаддан зиёд ифлосланиши ҳисобланади. Ер юзининг қайси минтақасига назар ташламайлик, у ерда экологик хавф-хатар мавжудлигини кузатиш мумкин. Жумладан Марказий Осиёда ҳам.

Биз экологик хавфсизлик муаммоси аллақачон миллий ва минтақавий доирадан чиқиб, бутун инсониятнинг умумий муаммосига айланганлиги, табиат ва инсон ўзаро муайян қонуниятлар асосида яшаш ва бу қонуниятни бузиш глобал экологик фожиаларга олиб келишини кўп ашиқтанмиз.

Асосан, ташвишли экологик вазиятнинг сабаблари қуйидагилардир: — ернинг чекланганлиги ва унинг сифати таркиби паслиги билан боғлиқ хавфнинг тўхтовсиз ортиб бориши; — Ўзбекистоннинг экологик хавфсизлиги нуқтани назардан қараганда, сув захираларининг, шу жумладан, ер усти ва ер ости сувларининг кескин тақчиллиги ҳамда ифлосланиши катта ташвиш туғдиришмоқда. Республикаимиз каналлари, дарёлари, сув омборлари ва ҳатто ер ости сувлари ҳам ҳар томонлама инсон фаолияти таъсирига учраши; — Орол денгизининг қуриб бориши хавфи ғоят кескин муаммо ёки миллий кўлфат бўлиб қолди. Бу муаммо сўнгги ўн йилликлар мобайнида хавфли даражада ортди;

— ҳаво бўшлиғининг ифлосланиши ҳам республикада экологик хавфсизликка таҳдид солинаётган. Бундан ташқари, атроф-муҳитга зарарли моддаларни чиқаришни камайитириш учун тегишли технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этишдан иборат.

Қишлоқ, ўрмон ва бошқа ҳўжалик тармоқларидаги табиий жараёнларнинг кескин бузилишига олиб келадиган барча кимёвий моддаларни қўллаш устидан қаттиқ назорат ўрнатиш лозим. Хулоса қилиб шунни айтиш мумкинки, ҳаво ва сув муҳити инсоннинг ҳаётий фаолияти учун жуда зарурлигини билиб, уларга зарарли ёки салбий таъсир этадиган моддаларни ташлаб, улар билан ифлослантиришни тўхтатиш керак ва келажак авлодларимизга ҳаво, сув, тупроқ қатламини ифлослантирмасдан, ҳеч бўлмаганда ҳозирги ҳолатда етказиб беришимиз ҳар биримизнинг бурчимиздир.

А.ҲАЛИМБЕТОВ, давлат нозир

Ер қурсида сувлар турлича жойлашган. Хусусан, ер ости сувлари ер қаватида жойлашган бўлса, ер усти мавжуддир. Ер усти сувлари анчагина чуқурликда бўлиб, артезиан сувлар номи билан юритилади. Тошкент шаҳри ҳудудидан ўткучи каналлардан Бўзсув, Анҳор, Бўржар, Сағор, Қорасув, Дамачи, Кайковус, Найман каби каналлар пайтахтимизимиз микроклимини сақлашда катта аҳамиятга эгадир. Бу каналлар шаҳримизнинг деярли барча туманларида об-ҳаво ва иқлим ўзгаришида сув олиш манбалари эса асосан Чирчиқ дарёсидан жойлашган корхоналар, маҳаллалар, кўплаб чиқиндилар тўғрисидадан тўғри шу каналга ташланади. Бундай ҳолга бошқача каналлар бўйича ўтқа-

Ушбу каналлар бўйларидан жойлашган корхоналар, маҳаллалар, кўплаб дуч келинди. Ҳозирги куннинг долзарб муҳим муаммоларидан бири, бу — очик сув ҳавзаларида чиқинди оқоватларнинг тарқалиши, каналлар ва маҳаллаларда эса оқоватлар ва қирғоқларда жойлашган корхона ва хонадонлардан чиқадиган чиқинди оқова сув манбаларида ҳам йўқ эмас.

Шаҳримиз ҳудудидан ўткучи сувларнинг софлигини назорат қилиш ва таъмирлаш ишлари бажарилиши табиатни муҳофазга қилиш қўмитаси томонидан тежаш ишларида «Чилонзор» буюм шириб кўрилди. Ушбу рейд ва бозори ёнидан оқиб ўтқучи Конкус каналига таққосчилик ва нуқсонлар аниқлаш мақсади билан қарамаланди. Масалан биргина Бўржар канални олайлик.

Унинг тевағида жойлашган умумий овқатланиш шохбчалари чиқинди оқаваларни шу сувга ташлашади. Улар бу қилмишлари билан сувни нақадар ифлослантираётганликларини ўйлашмайди. Ваҳоланки ёзнинг жазирама кунларида ёш болалар шу каналда чўмилишади. Шунингдек, Зағиота туманининг Эркин маҳалласига туташ бўлган жойда қад ростилаётган янги маҳалла аҳолиси ҳам шу ариқ сувидан фойдаланади. Янги маҳалланинг баъзи кўчаларида сув танқислиги сабабли бу ерда истикомат қилувчи аҳоли ичимлик сифатида ҳам шу сувдан фойдаланади.

Бир сўз билан айтганда, оқар сувлар бизнинг бойлигимиз. Уларни ифлослантирмаслик учун барчамиз бир ёқадан бош чиқариб курашимиз керак. Бекорга ҳам ота-боболаримиз қадим-қадим замонлардан бошлабқо табиатга оқилона муносабатда бўлишмаган. Улар нафақат кудук суви, балки ариқ ва дарё сувларини ҳам муқаддас билишган. Улардан тежаб-тергаб фойдаланишган. Ифлосланишига мутлақо йўл қўйишмаган. Зеро, бугун биз ҳам сувни эъозлаб қадрласак, уни тоза сақлаш чораларини кўрсак, келгуси авлодларга табиатимиз гўзалликларини кам-кўстисиз етказишга ҳаракат қилсак ҳаётимизнинг гўзал, обод ва фаровон бўлишига кўмаклашган бўламиз.

М.ОРИПОВ

Ш.АБДУЖАЛИЛОВА, қўмита нозир

— Билол ака, “Мозийга қайтиб иш қўриш хайрли” деганларидек, суҳбатимизни Меҳржоннинг юзага келиш тарихи, унинг ўзига хос хусусиятларидан бошлаш.

— Аввало, шунга таъкидлаш кераки, Истиқлол шарофати билан мамлакатимизда Мустақиллик байрамнинг катта халқ сайиллари тарзида нишонланиши халқимизнинг ўзлигини аниқлашга, қадимий унутилган халқ сайиллари ва байрамларининг танланшига замин бўлди. Юртбошимиз ташаббуслари билан халқ байрамларининг тикланиши халқнинг кайфияти ва руҳиятини юксак маромда сақлаб туришга хизмат этувчи воситадирки, буларнинг замирида тинчлик, хотиржамлик, инсонпарварлик туйғулари жамулжам. Бинобарин, Меҳржон ҳам Наврўз каби байрамлар ичида энг каттаси бўлиб, қадимда бир неча кун давомида Она заминга, меҳнаткаш деҳқонга, элимиз, барча касб эгаларига эҳтиром-таъзим сифатида нишонланган.

Марказий Осиёнинг буюк алломаларидан бири Абу Райҳон Беруний ўзининг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” номи биз учун ниҳоятда қимматли асарда қадимий Марказий Осиё, Эрон, Туркия ва Афғонистон халқларининг табиат ҳодисалари ва воқеалари билан боғлиқ — ўша даврнинг доно кишилари томонидан кашф этилиб, турмушга сингдирилган урф-одатлар ҳақида бебаҳо маълумотларни беради, уларни илмий таҳлил этади.

Халқимиз қадимда деҳқончиликни улуғлаш, эъзозлаш мақсадида Наврўзни нафақат йил боши-баҳорда ўтказганлар, балки унинг давоми сифатида кузда ҳам Меҳржонни нишонлаганлар.

Аллома ана шу икки мавсум байрамни нишонлаш ҳақида ёзар экан, баҳор билан кузда кун ва туннинг икки марта тенг келишини таъкидлайди, демак, Наврўз 21 мартдан 22 мартга ўтар кечаси нишонланса, Меҳржон 23 сентябрдан 24 сентябрга ўтар кундан бошлади. Милоддан олдинги (1-минг йилликлар бошида) бундай кузги байрамлар турли жойларда, масалан, Эронда ва бошқа жойларда “Меҳржон” (ёки “Меҳржон”), кўҳна Хоразмда — “Чирируж”, Сўғдада эса “Ним-сарда” номи билан машҳур бўлган. Ва байрам ҳақида Фирдавсийнинг “Шохнома” китобининг изоҳлар қисмида куйидагилар ёзилган: “Меҳржон эронликларнинг кузги байрами, меҳр ойининг 16-куни, кузги кечакундуз тенглигида келади”.

Меҳржон ўша даврдаги йирик байрам бўлиши билан бир қаторда у бошқа байрамлар билан табиий боғлиқ бўлган. Айниқса, Наврўз билан Меҳржон зардуштийларнинг йилномасида бир-бирига фазл бериб, икки дурдек қақнаб турган.

Маълумки, барча диққатга сазовор ҳодисаларнинг яхши ниятлар билан бошланиши ва муваффақиятли аяқланиши байрам кайфиятини тақозо этади. Агар табиат уйғониши, далаларда иш бошланиши Наврўз (йил боши) сифатида тантана қилинган бўлса, мевачеваларнинг шакар-шарбатларга ўлиши, етилиши, ўсимлик дунёсининг ўсишдан тўхтаб, “уйкуга кетиши” арасида меҳнат мавсуми аяқини етаётганлигини Меҳржон (ҳосил, ҳаёт байрами) шаклида нишонлашган. Эронликлар одатига кўра “Меҳржон куни бироз анор еб, гул суви хидлаган кишидан кўп офатлар даф этилади”, дея тушунилган. Беруний: “Бир гуруҳ одамлар борки, Наврўзни оламнинг бошланиши десалар, иккинчи гуруҳ одамлар кузни ортиқ

билганидек, улар Меҳржонни Наврўздан ортиқ билганлар. Бу исботлашда Искандар Арастудан, ушбу икки куннинг қайсиси афзал деб сўраганида Арасту “Эй подшоҳ, баҳорда ҳашаротлар пайдо бўла бошлайди, кузда эса улар йўқолиб кетади. Демак, шу жиҳатдан куз (баҳордан) афзал”, дея тушунча беради. Бу байрамлар шунчаки ўйлаб топилмаган, балки улар коинот, табиат қонуниятлари, Куёш ва Ер ўртасидаги муносабатлар асосида вужудга келган. Негаки, Наврўз баҳорги куну-тун тенглигини қайд қилса, Меҳржон куздаги ўша ҳолатдан нишона берган. Меҳржон байрами, бир томондан, коинот ва ерга жон ато этиб турган Куёшни қадрлашга, ўз нури ва ҳарорати билан неъмат

дан сўнг миллий қадриятларимиз, аъналаримиз мисоли булоқ каби кўз очганидек, Меҳржон байрами ҳам ҳаётимизга аста-секин кириб келди...

— Дарҳақиқат, қадимий қадриятларимиздан ҳисобланмиш Меҳржон мустақиллик йилларида байрам сифатида сайқал топиб қайта тикланди. Дастлаб, шаҳримиздаги Марказий болалар истироҳат боғида (“Узум сайли” асосида) уюштирилган Меҳржонни байрам ташкилотчилари катта сайилга айлантириб юборишди. Таъкидлаб ўтиш жоизки, “Тошкент оқшоми” газетаси саҳифаларида 1990 йил 15 сентябрда чоп этилган “Диллар яйраб-яшнагай, меҳрибонлар бўлса жам” номли мақолада Меҳржон байрами халқ сайили, Республикаимизда илк бор нишонланадиган қадимий инсонпарвар удумимиз Меҳржон ҳақида кенг кўламли маълумотлар берилди. Шу тариқа Меҳржон халқ сайили Республикаимиз бўйлаб уюштирила бошланди. Дастлаб шаҳримиз маҳаллаларида, Андижон, Фарғона ва Қашқадарё вилоятларида, айниқса Самарқанднинг Регистон майдонида ўтказилган Меҳржон халқ сайили халқимизнинг хотирасида қолди.

Яхшиликнинг шарофатини қарангки, Тошкентнинг Чилонзор туманидаги каттагина маҳалла ҳам “Меҳржон” деб номланибди. Вилоятларимизда, масалан, Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ туманида “Меҳржон” истироҳат боғи ташкил этилди, шаҳар ва қишлоқлардаги кўчалар Меҳржон номи билан атала бошланди. Республикаимизнинг кўпгина боғча ва мактабларида ҳам Меҳржон байрами мезон ойда ўтказиб келинмоқда. Ватанимизнинг бир гуруҳ азамат ҳомийлари томонидан 1999 йилда “Меҳржон-99” марафони ўтказилганлиги эса мамлакатимизда катта воқеа бўлди.

Айниқса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 27 январдаги 40-сонли қарорига асосан қабул қилинган “Меҳр ва мурувват йили” дастуридан шукроналик ва мурувват гоъларининг ифодаси бўлган аънавий “Меҳржон” халқ сайилини ўтказиш тўғрисидаги банд ўрин олганлиги нур устига аъло нур бўлди.

Меҳржон она заминнинг саховати, инсонга муруввати демакдир. Куз фаслининг ҳикматлари кўп. Олтин кузни донишмандлик фасли, етулик фасли, шукроналик ва саховат фасли деймиш.

Меҳржон — дегани меҳри қуёш одамлар демак, меҳрибон ва саховатли инсонлар демак. Меҳржон — деганимиз ўзини эмас, ўзгалар дарди билан яшаيدиган инсонлар демак.

Мухтасар қилиб айтганда, Меҳржон шукроналик, мурувват ва саховат, инсонпарварлик байрамининг катта тарбиявий, маънавий-маърифий ва ахлоқий аҳамияти ҳисобга олиниб, мустақил республикаимизда ўз ўрнига эга бўлишга ишончимиз қомил.

XXI асрни — биз меҳр-шафқат, муҳаббат, саховат, садоқат асри деб биламиш. Ана шундай катта оғзу-ниятларнинг амалга оширишда замин миришкорларининг яратган ажойиб инсонпарвар Наврўз ва Меҳржон каби удумларига сайқал бериб, камол топтирайлик. Шoir айтганидек:

**Диллар яйраб яшнагай,  
меҳрибонлар бўлса жам,  
Дўстлар вислоин кўриб,  
кўнгил бўлғай хотиржам,  
Баҳордек қайтиб келди  
Наврўз ила Меҳржон,  
Кайноқ меҳр бор экан,  
давримиз бўлсин ажом.  
Дилшод ИСРОИЛОВ  
сўхбатлашди.**

**Қадриятларимиз**

**МЕХРЖОН — ЭЗГУЛИК ДАРАКЧИСИ**

Мустақиллик бизга азалий қадриятларимиз, ўтмиш маданиятимиз, унутилаёзган урф-одатларимиз, буюк Соҳибқирон Амир Темур, Аҳмад Яссавий, Бурхониддин Марғилоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий, Мотурудий каби кўплаб олим уфузаларимизни қайтариб берди. Халқимиз зўр қувонч билан Наврўз ва Меҳржон байрамларини яна нишонлай бошлади.

Яна икки кундан кейин юртимизга энг қадимий ва фазли байрамларимиздан бири — Меҳржон кириб келади. Ушбу кутлуг кун арафасида кўплаб қадриятларимиз фидойилари қаторида Меҳржоннинг тарихини ўрганиб, уни тарғиб-ташвиқ қилиб, ҳаётимиздан ўрин олишига ўзига хос ҳисса қўшган заҳматкаш элшунос олим тарих фанлари номзоди Билол Аминов билан сўхбатлашдик.



лар етказишга берган ёрдами учун миннатдорчилик билдиришга имкон яратган бўлса, иккинчидан, барчани кишгамини ейишга ундаган.

Асрлар ўтиб, зардуштийлик ўрнини Ислому дини эгаллаганидан сўнг, Меҳржон энди одамлар қалбига кўчиб, инсон меҳрига айлана борди. У Беруний таъкидлаганидек “жон севгиси”га айланади. Шу билан бирга Меҳржон кишилар орасидаги муҳаббат, раҳм-шафқат, раҳмдиллик, ғамўўрлик каби хислатларни аниқлашчи маъно касб эта боради.

Ота-боболаримиз Меҳржон кунларида дала ва боғларга, узум ва қовун сайилларига чиққанлар, қавм-қариндошлар бир-бирларини йўқлаганлар, бир-бирларига эхсонлар ҳадя этганлар, қарияларга совға-саломлар олиб борганлар, қишлоқ озуқаларини ғамлашга киришганлар, уй-жойларини қишга тайёрлаганлар, қабристонларни зиёрат этганлар, хас-чўпдан тозалаганлар, нураганларини суваганлар. Ўтганлар ёдга олинган. Бозорларда, сайилгоҳларда олтин куз неъматлари савдоси ташкил этилган, кўчор ва бедана, хўроз уриштириллар, полвонларнинг чиқшилари, аскиябозликлар жуда ривож топган эди.

Кун ва туннинг тенглиги рамизи маъносидан ўша кунни барча табақадаги, мансабдаги кишиларнинг тенг эканлиги тарғиб этилади, ҳамма хушчакчаклик қилади. Бундай тадбирлар қадимда одатий тус олган эди, деб ёзилади ўша манбаларда. Беруний “Меҳржон номи билан боғлиқ байрам қадимда машҳур ва номи ой номига мувофиқ эди”, дейди.

Меҳр-меҳрибонлик, мурувват, шафқат меҳр — қалб қўри, нури эмасми?

Меҳржон — Она заминнинг саховати, саҳийлиги, инсонга муруввати — демак!  
— Мустақилликка юз тутганимиз

**Шарқ дурдоналари**

**Оз-Оз Утганиб  
Домо бўлур...**

- Донининг тили қалбида, тентакнинг қалби эса тилида.
- Сўз ҳам мисоли япроққа ўхшади: дарахнинг барги кўп бўлса меваси оз.
- Ўтқир тил — қобилият, узун тил — жазо.
- Ақлли одамларни мазак қилиш телбаларга хос.
- Аҳмоқларнинг устунлиги — ақлли одамлар устидан кулиш. Ҳикоят:
- Кўр киши қоронғу кечада қўлида чироқ, елкасида кўвача билан йўлда кетмоқда эди. Эзма бир одам йўлда унга йўлиқиб деди:
- Эй нодон, сен учун кеча-кундузининг фарқи йўқ, ёруғлик билан қоронғулик баб-бараварку, чироқнинг нима фойдаси бор? Кўр киши кулиб айтди:
- Бу чироқ ўзим учун эмас, сенга ўхшаган кўнгли кўзи кўр беҳабарлар учундир, токи менга қурилиб, қўвачани синдириб қўймагайсан.

**Байт:**  
**Гарддай оғуси бор  
сўзни демагил,  
Ҳазил бўлганда ҳам  
оғринди дил.**

Луқмони Ҳакимдан: “Одобни қимдан ўргандинг?” деб сўрадилар. Луқмони Ҳаким жавоб берди: “Одобни беодоблардан ўргандим, уларнинг ҳаракатларидаги менга мақбул бўлмаган нарсалардан ўзимни сақладим!”

**Бирор эсли кишига  
хатто ҳазил сўз айтсанг,  
У шундан ҳам ўзига  
чиқаради хулоса.**

**Аммо аҳмоқ кишига  
юзлаб ҳикमत ўргатсанг,  
Барчаси унинг учун  
туюлар ҳазил нарса.**

- Қабих одамга саховат ҳам, донишлик ҳам қабиҳлик бўлиб кўринади. Ифлосга — ифлослик ёқади.
- Ёмон одам мисоли кўмир: мабодо кўйдирмаса ҳам сени қора қилади.

Ёвуз одамлар киши танасида юриб, фақат яра бор жойда тўхтайдиган пашшага ўхшайдилар.

- Раҳмсиз кишилар бировга озор беришдан хузурланадилар.
- Муттаҳам доим сервизда, жасур эса мурувватлидир.

- Ёвузлик ҳаммаша шафқатсизлик ва заифликдан келиб чиқади.
- Ҳикояси:

- Найзаси заҳар билан булганган чаён сафарга чиқди. Кета туриб сув лабига етди. На олдида юрولмай, на орқага қайтолмай туриб қолди. Чаённинг бу аҳволини тошбақа кўриб, унга раҳм қилди. Уни ўз устига миндириб сувга тушди. Бир томонга қараб сузиб кетди. Шу пайтда тошбақа қосагига чаённинг найза санчишидан чиққан овозни эшитди: “Бу қанақа овоз?” — деб сўради тошбақа.

Чаён жавоб берди: “Бу сеннинг орқанга санчаётган найзамнинг овози, найзам орқанга ўтмаслигини билиб турсам ҳам, аммо одатини ташлай олмайман”. Бу тўғрида шундай деганлар.

**Чаённинг чақиши  
бехосдан эмас,  
Бу унинг ҳулқидир:  
чақмай туролмас.**  
Тошбақа ўз-ўзига: “Шундан яхшиши йўқки, бу ярамаси ёмон феълдан қайтарай ва яхшиларни унинг зийнидан қутқарай” дедида сувга шўниғди. Чаённи тўлқин халок қилди.

## Спорт

ФАҚАТ ҒАЛАБА  
ТИЛАЙМИЗ

Бир неча кундан сўнг жаҳон шахмат муҳлилари мавсумнинг энг асосий мусобақаларидан бирини томоша қилишади. Аргентинанинг Сан Луис шаҳрида шохмот бўйича жаҳон чемпионати ўтказилади ва унда ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов ҳам иштирок этади.

Мазкур нуфузли мусобақа олдидан Германиянинг Боукхон шаҳрида ўқув тайёргарлик жараёнини якунлаган ҳамюртимиз, 2004 йили жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлган Рустам Қосимжонов куни кеча Аргентинага жўнаб кетди. 27 сентябрдан 16 октябрга қадар давом этадиган мазкур беллашувларда Рустам билан бирга яна етти нафар дунё шахмат олами етакчилари мутлоқ жаҳон чемпионлиги учун кураш олиб борадилар. Бўлиб ўтадиган муросасиз беллашувларда ҳамюртимизнинг асосий рақиблари фиде рейтингда дастлабки уч погонани банд этиб турган Вишванатан Ананд, Свинтофоло ва Питр Ленолар бўлишади. Шунингдек Майкл Адамс ҳамда икки нафар россиялик гроссмейстер Питр Свиллер ва Александр Морозовичлар ҳам ушбу мусобақага жиддий тайёргарлик кўришган. 27 сентябрь куни мусобақанинг тантанали очилиш маросими бўлади ва айнан шу куни кураш ҳам ташланади. 28 сентябрдан эса шахматчилар

соврин жамғармаси бир миллион АҚШ долларини ташкил этган чемпионатда бахсларни бошлайдилар. Биз ҳамюртимизга ушбу мусобақада фақат ва фақат муваффақият қозонишини тилаб қоламиз.

АВТОМОБИЛЬ ПОЙГАСИ  
БЎЛИБ ЎТДИ

Пойтахтимизнинг Халқа йўлларида автомобиль пойгалари бўйича навбатдаги "Гранд при" мусобақаси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз ва Қозоғистондан келган спортчилар иштирок этишди.

Йигирма нафардан зиёдроқ спортчи уч тоифадаги автомобилларда голиблик учун кураш олиб бордилар. Беллашувлар икки босқичдан иборат бўлиб, унинг ҳар бирида қатнашчилар тўққизта айланани босиб ўтишлари талаб этилди. Техник спорт турлари орасида мураккаблиги ва томошабоплиги билан ажралиб турадиган мазкур пойгаларда тезкорлик ва аниқлик муҳим ҳисобланади. Чунки голиб айнан шу жиҳатларга қараб белгиланади. Маҳоратли спортчимиз Шерзод Жумаев А-9 автомобилда маррага биринчи бўлиб етиб келди. Игор Газзия эса А-7 тоифадаги автомобилда биринчи ўринни эгаллади. Энг қизиқарлиси, формула бахслари сўнггида Александр Ликвич барча рақибларини ортда қолдириб бош соврин соҳиби бўлди.

Голибларга мусобақа ташкилотчиларининг эсдалик совғалари топширилди.

ФИФА ШИКОЯТНИ  
ИНОБАТГА ОЛДИ

Ўзбекистон футбол федерациясининг осийлик ҳакамларга нисбатан шикоятлари ниҳоят Фифа томонидан инобатга олинди.

Ушбу ташкилотнинг мусобақалар ўтказиш кўмитасидан олинган мактубда 8-12 октябр кунлари Ўзбекистон ва Бахрайин терма жамоалари ўртасида бўлиб ўтадиган плей-офф ўйинларини европалик ҳакамлар бошқарадиган бўлишиди. Фифа қарорига кўра Тошкентдаги ўйинни назорат қилиш вазифаси швейцариялик Массиму Гусонга топширилган бўлса, Манамадаги учрашувга англиялик рефери Грим Пол тайинланди. Айнан шу ўйинларнинг такроран ўтказилишига бош сабабчи бўлган Тошимицу Ёшида Япония футбол федерацияси томонидан ҳам жазолибди, энди у фақат Япония миллий чемпионатининг иккинчи дивизионида ҳакамлик қиладиган бўлди. Осий футбол конфедерациясининг энг сара реферилари рўйхатидан ўчирилган Тошимицу қитъа миқёсида ва Фифа тасарруфидаги учрашувлардан бутунлай четлатилди. Ўзбекистонда катта хатога йўл қўйганлиги ушбу реферига ҳам қимматга тушди, энди у ўз фаолиятида катта марраларга эришишдан маҳрум бўлди.

"Туркистон-пресс"

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

ЎРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!  
ШОШИЛИНГ, ИМКЌНИЯТИНГИЗНИ БЌЙ БЕРМАНГ!

Давлат мулкини бошқариш давлат кўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси ҳузурдаги «РОУТАХТ АУКСИОН» давлат унитар корхонаси Сизларни ким ошди савдоларига таклиф этади!

Савдоларга Тошкент шаҳри ҳудудида жойлашган **САВДО ДЎКОНИ, СУПЕРМАРКЕТ, МИНИМАРКЕТ, КАФЕ, РЕСТОРАН, ОФИС, МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ МАЖМУАЛАРИ ХАМДА СУЮЛТИРИЛГАН ГАЗ ЁНИЛГИ КЎЙИШ ШОХОБЧАСИ** куриш учун мўлжалланган ер участкаларининг узок муддатли ижара ҳуқуқи кўйилади.

Ер участкасининг узок муддатли ижара ҳуқуқини сотиб олган талабгорга ер участкасининг лойиҳалаш учун керакли дастлабки ҳужжатлари тўплами берилади. Ҳужжатлар тўпламига кўйидагилар кирлади:

1. Ер участкасининг чегараси;
2. Меъморий-лойиҳа вазифалари

АПЗ-I, АПЗ-II;

3. Топографик сьемка, масштаб 1:500; 4. Муҳандислик-геологик хулоса;

5. Шаҳарсозлик талаблари ва куриладиган бино эскизи.

Ким ошди савдолари 2005 йилнинг ҳар сешанба ва жума кунлари Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади. Савдолар соат 11-00 да бошланади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун аризалар қабул қилиш савдодан бир кун аввал соат 18-00да тўхтатилади.

МУРОЖАТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 133-23-40; 133-02-49.

## "ЭСКИ ЖЎВА ДЕҲҚОН БОЗОРИ" ОАЖ

## ХАБАР 09

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий мажлиси ўтганлиги тўғрисида.

Умумий мажлис ўтказилган вақт: 2005 йил 8 сентябрь.

Умумий мажлис ўтказилган манзил: Шайхонтоҳур тумани, Бозор майдони, 28-уй.

Умумий мажлисда қатнашганлар 383891 овозга эга, 2 нафар акциядор. Кворум 92,3%.

1. Жамият таркибидаги "Кўкча Оқтепа" шохобчалари "Фарҳод деҳқон бозори" ОАЖ таркибига ўтиши муносабати билан жамият "Бизнес режаси"га ўзгартириш киритиш 383891 овоз билан тасдиқланди.

2. Жамият кузатув кенгашига киритилган ўзгартириш қабул қилинди ва Илҳомов Рустам Асимович ўрнига Мирҳайдаров Фарҳод 383891 овоз билан сайланди.

3. Жамиятга тегишли бўлган

объект, яъни "Кўкча" бозорининг ҳудудида жойлашган ва жамиятга тегишли бўлган биноларни сотиш 383891 овоз билан тасдиқланди.

3.1. Биноларнинг олди-сотди ҳужжатларини қонун доирасида расмийлаштириш, олинган маблағнинг ўз вақтида жамият ҳисоб рақамига ўтказилишини таъминлаш ва ҳ.к.лар жамият директориға юклатилди.

4. Жамиятга тегишли бўлган акцияларни қайтариб сотиб олиш масаласини қайтадан кўриб чиқиш жамият кузатув кенгашиға берилди.

4.1. Кузатув кенгаши томонидан ўрганиб чиқилгандан сўнг, умумий йиғилиш кун тартибига киритилиши қабул қилинди.

ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҚОШИДАГИ АКАДЕМИК ЛИЦЕЙИ  
МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ИШЛАРИ  
БЎЙИЧА ДИРЕКТОР ЎРИНБОСАРИ  
ЛАВОЗИМИГА (ВАКАНТ) БЎШ ЎРИН  
УЧУН ШАРТНОМА АСОСИДА  
ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловда қатнашиш учун кўйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим:

1. Академик лицей директори номиға ариза
2. Ходимларни ҳисобға олиш учун шахсий варақа
3. Маълумоти, илмий даражаси ҳақида диплом
4. Меҳнат дафтарчасидан нусха

Танлов муддати эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой

Манзил: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11-уй  
Телефон: 144-83-07

"TOSHKENT SHAHAR DORI-DARMON"  
ДАВЛАТ ОЧИҚ АКЦИОНЕРЛИК БИРЛАШ-  
МАСИ АКЦИОНЕРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўрматли акционерлар 2005 йил 23 сентябрда бирлашма босида: Собир Раҳимов тумани, Уста Ширин 1-берк кўчаси, 84-уйда соат 14.00 да бирлашма акционерларининг умумий мажлиси бўлиб ўтади.

## КУН ТАРТИБИ:

1. Янги ташкил этилган "Дори-дармон" Республика Акционерлик компаниясига тегишли 14.75% бирлашманиннг акциялари бўйича компаниянинг ишончли вакилини бирлашманиннг кузатув кенгаши таркибига киритиш.
2. Кредит масаласи.

Ўзбекистон Республикаси "Ўззаготторг" уюшмасига тегишли бўлган Шайхонтоҳур тумани, Уйғур кўчаси, 353-уйда жойлашган "Кўкча бозори"нинг № 1687075676 сонли кадастрининг асл нусхаси йўқолган.

"Эски жўва деҳқон" бозори  
ОАЖ маъмурияти

**Спорт  
КУЧЛИ  
ЭКАНЛИКЛАРИНИ  
ИСБОТЛАШДИ**

**Пауэрлифтинг** — штанга кўтариш бўйича учкураш республика миқдорида энг ривожланган спорт турлари сирасига киради. Айниқса, шахримизда фаолият кўрсатган захматкаш мураббий Камолиддин Панохов очган «Пахлавон» клубидан кўплаб иқтидорли пауэрлифтинг усталари, нуфузли мусобақаларнинг голиблари етишиб чиққанлигини таъкидлаш жоиз. Ушбу жозибадор спорт тури тез орада Олимпиада ўйинлари дастурига киритилади.

Куни кеча АҚШнинг Форт-Вайн шаҳрида пауэрлифтинг бўйича ёшлар ўртасида жаҳон чемпионатининг шиддатли баҳслари ниҳоясига етди. Ушбу энг нуфузли мусобақаларда 50 дан ортиқ мамлакатлардан келган том маънодаги алқомат полвонлар улкан вазнларни забт этишгани ҳолда галаба учун кураш олиб боришди.

Чемпионат олдидан Бутунжаҳон пауэрлифтинг федерациясининг конгресси ўтказилиб, унда ушбу спорт турининг курраи замин мамлакатларида қандай ривожланаётгани таҳлил қилинди, келгуси режалар белгиланди.

Шуни қувонч билан таъкидлаш ўринлики, чемпионатда иштирок этган ёш, умидли спортчиларимиз бор куч-маҳоратларини кўрсатишга муваффақ бўлишди. Юртдошларимиз кўлга киритган медаллар шодаси — 3 та олтин, 2 та кумуш ва 6 та бронза нишонлари ушбу муваффақиятдан яққол далолатдир.

**(Ўз мухбиримиз)**

“Радиодеталлари” дўкони ҳар қандай радиодеталлар, компьютерлар жамловчи, электрон, аудио ва видео, ўлчов асбобларини харид қилади ва сотади.  
Телефон 68-93-93

Расм, рақс, мактабга тайёрлаш, рус ва инглиз тилини ўргатамиз.

Метронинг “Тинчлик” ва “Беруний” бекатлари.  
Телефон: 393-52-40

**ТАБИЙ ЗАҲИРАЛАРНИ ТЕЖАШ  
ЙЎЛЛАРИ ИЗЛАНДИ**

Тошкентда Ўзбекистон Фанлар академияси, «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси ҳамкорлигида «Ўзбекистон энергетикасининг барқарор ва экологик жиҳатдан хавфсиз ривожлантириш: истиқбол ва муаммолар» мавзусида халқаро анжуман ўтказилди. Унда USAID, Жаҳон ва Осиё Тараққиёт банклари вакиллари ҳам иштирок этди.

Мазкур анжуман тармоқнинг изчил фаолиятини таъминлашга бағишланди. Юртимиз заминидан ҳозирга қадар 2 минг 700 дан ортиқ турли фойдали қазилма конлари аниқланган. Истиқлол йилларидаги фаол тараққиёт электр энергия ишлаб чиқариш тармоғини четлаб ўтмади. Ушбу йилларда тизимга 100 миллион АҚШ долларидан ортиқ хорижий сармоялар жалб этилди. Бироқ электр энергия ишлаб чиқаришда унинг таннархини пасайтириш бўйича муаммолар ҳали тўлақонли барқарор этилгани йўқ. Масалан, ҳар йили ишлаб чиқарилаётган 50 миллиард килватт соат электр энергиясининг 45 миллиарди, яъни 90 фоизи иссиқлик электр станцияларида яъни газ, кўмир табиий ресурслардан фойдаланган ҳолда ҳосил қилинмоқда. Қолган 10 фоизига гидроекстр станцияларида тайёр-

ланаёпти. Бу эса электр энергия нархини ошишига олиб келмоқда. Халқаро анжуман иши замирида ҳам ана шу масалаларни ҳал этиш ва соҳага илғор технологияларни жалб этиш кўзда тутилган.

Анжумани ташкил этишдан асосий мақсад турли вазирик, идора, мутасадди таъминотчи ташкилотлар вакилларининг интеллектуал, илмий-иқтисодий ва техник имкониятларини йиғиштириш ҳолда жаҳон тажрибасини ўрганиш, энергетика ресурсларини тежаш йўлини танлаб олишдан иборат. Таҳлилларга кўра, айни пайтда мамлакатимиз 100 фоиз электр энергияси билан таъминланган. Қатор йирик саноат мажмуалари республикамизнинг чекка ҳудудлари ҳам катта миқдордаги электр манбасини узлуксиз etkazиб бermoқда. Мавжуд ресурсларни etkazиб қилган ҳолда саноат маж-

муаларини электр энергияни муқобил турлари билан таъминлаш лозим. Яъни қуёш энергиясидан фойдаланиш бўйича илғор технологияларни кенгроқ жалб этиш зарур. Анжуманда кўплаб хорижий компаниялар бу борадаги қатор лойиҳалари билан иштирок этишди.

Анжуманда Ўзбекистон нефть ва газ тармоғи ривожланишининг стратегияси ва унинг самарали энергоресурсларига ўтиш йўли ҳам муҳокама қилинди. Мутахассисларнинг берган маълумотларига кўра, мамлакатимиз аҳолисининг 95 фоизи газ билан таъминланди. Яқин йиллар ичида қолган аҳоли ҳам тўлиқ газ билан таъминланади. Шу билан бирга анжуманда Жаҳон банкининг энергия манбасини кўллаб-қувватлаш, Марказий Осиё мамлакатларининг энергетика хавфсизлиги, бу борадаги жаҳон гиосиёсати, Ўзбекистон миқёсида иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш ва фойдаланиш муаммолари каби мавзулар юзасидан маърузалар тингланди.

Иштирокчиларнинг фикрича, анжуманда электр энергияси etkazиб бериш ва таъминлашнинг энг самарали тизими яратилиб, Ўзбекистон энергетика ресурсларини тежаш дастурининг келгуси тараққиёт босқичи белгилаб олинди.

«Туркистон-пресс»

**«02» ХОДИСАЛАР**

● Тошкент шаҳар Ички ишлаб-чиқарув бошқармаси Ходимларнинг пойтахтимизда олиб борган навбатдаги «Тун» тезкор тадбирида, муқаддам судланган, ҳеч қаерда ишламайдиган, қидирувда бўлган, Навоий вилояти фуқароси Е.Алексей кўлга олинди.

У бир неча бор талончилик жиноятларини амалга оширган. Сўнгги жиноятни Мирзо Улугбек туманида жойлашган озиқ-овқат дўконларидан бирида содир қилган. Яъни, дўкон эшигининг ойнасини синдириб кириб, у ердан 153.000 сўмлик турли хил тамаки маҳсулотларини ўғирлаб кетган. Шунингдек, шерги — Тошкент вилоятида истиқомат қилувчи С.Равшан билан тил бириктириб, фуқаро Ҳабибуллаевага тегишли бўлган Мирзо Улугбек туманида жойлашган дўконнинг дераза ойнасини синдириб кириб, у ердан 67000 сўмлик 230 дона турли хил кўл соатларини, 40 дона газ ёндиргичларини ўғирлаб кетишган. Бундан ташқари, Е.Алексей ва С.Равшанлар тунда, кўчада кетаётган фуқаро Т.Қўлдошевни тўхташиб, унга нисбатан куч ишлатиб, тан жароҳати etkazиб, қўлидаги «Алкатель» русумли уяли телефон апаратини, спорт кийимини, «Тетрис» русумли электрон апаратини ва 13.000 сўм пулни ўғирлаб кетишган. Юқорида келтирилган тезкор маълумотлардан хабар топган Тошкент шаҳар ИИББ Жиноят-қидирув бошқармаси ходимларининг олиб борган тезкор қидирув тадбирлари натижасида, бир неча бор турли жиноятларни содир қилиб келган, қидирувда бўлган ушбу зўравонлар кўлга олинди.

Хозирги вақтда Е.Алексей ҳамда С.Равшанларга нисбатан жиноий иш кўзғатилиб, улар томонидан содир қилинган барча жиноят тафсилотлари аниқланиб, тергов ҳаракатлари олиб борилюмоқда.

● Шунга ўхшаш жиноят Сергели туманида ҳам содир қилинди. Муқаддам судланган, ҳеч қаерда ишламайдиган Сергей ў-

шериклари, ҳеч қаерда ўқимайдиган ва ишламайдиган Володя ҳамда Жамшидлар билан ўзаро тил бириктириб, ўтган-кетганларни талон-тарож қилишни режалаштиришди. Жумладан, Сергели туманида жойлашган мактабларнинг бири ёнида, шу ердан ўтиб бораётган фуқаро Зайнутдинов ҳамда Петровларни тўхташтириб, уларни тош билан уриб, жароҳат etkazиб, эгнидаги кийимларини, пулларини ҳамда уяли телефонларини олиб, қочиб кетишган. Орадан бир сутка ўтган Сергей ушбу туманда, эски таниши Чирчиқ шаҳрида истиқомат қилувчи И.Касаткин билан маст ҳолда ўзаро жанжаллашиб, унга пичок уриб тан жароҳати etkazиб, воқеа жойидан қочиб бўлган. Натижада, И.Касаткин «қорин қисмига ўқир тиг билан санчирилган ва қисилган жароҳатидан кўп кон йўқотиши таххиси» билан шифохонага олиб кетилган. Тошкент шаҳар ИИББ Жиноят-қидирув бошқармаси тезкор ходимларининг олиб борган тезкор қидирув ишлари натижасида Сергей ва унинг шериклари ушундан. Ҳозирда бу жиноий гуруҳга нисбатан «Босқинчилик, ўғирлик ва инсон ҳаётига таъвоуз қилиш» фактлари бўйича жиноий иш кўзғатилиб, улар устидан тезкор тергов ишлари олиб борилиб, яна кимлар жабр кўргани ва яна қандай жиноятлар содир қилинганлиги аниқланмоқда.

● Юнусобод туманида жойлашган хонадонларнинг бирида ўғирлик содир қилинди. Фуқаро Хўжаиёзовага тегишли бўлган уйда ижарада яшаб турган, ҳеч қаерда ишламайдиган фуқаро Муслимов, уй эгасининг вақтинчалик йўқлигидан фойдаланиб, хонадонидан 1.500.000 сўмни ташкил қиладиган турли хил қимматбаҳо буюмларини ўғирлаб, қочиб бўлган. Уй эгасининг etkazган маълумоти асосида тузилган тезкор қидирув ишлари натижасида, Юнусобод тумани ИИББ жиноят-қидирув хизмати тезкор ходимлари томонидан, далилий ашёлар билан, яъни турли хил хрусталдан ясалган идишлар, видео-аудио магнитофон, қимматбаҳо чой термаси, тақинчоқлардан иборат буюмлар билан Муслимов бошқа хонадонлардан бирида кўлга олинди ва унга нисбатан жиноий иш кўзғатилиди.

*Мунажжим башорати*

**ЁҚИМЛИ  
ХАРИДЛАР КУНИ**

23 СЕНТЯБРЬ, ЖУМА

«Кўпчилик — хамиша ҳақ», деган нақлнинг тўғрилиги бугун яна бир бор ўз тасдиғини топадиган кун. Ой сайёрасининг Эгизаклар буржидан ўтиши, Кўёшнинг Тароз буржининг «барбод қилувчи» деб аталадиган 1 даражада туриши бугун барча шахсий ташаббуслар тақдирини шубҳа остига қўяди. Шунинг учун ҳам, мабодо, атрофингиздагилар сизни тушунишмаса, ҳақлигинизни исботлаб ўтиришга уриниб ўтирманг. Бу ишни кейинги кунларга қолдиринг.

Бугун эса, жамоа тажрибасига суюнган маъқулроқ, Чунки самода Юпитер билан Плутон Марс сайёраси билан биргаликда «Такрорий уринишлар конфигурациясини ташкил этишди ва бу қақшатқич зарбалардан кейин ҳам иккинчи, учинчи ва ҳатто ...чи ўринлардан кейин бўлсада, муваффақиятга эришиш» имконини беради.

Сайёралар конфигурацияси айнан шу билан ўзининг самаралилигини амалда исботлай олиши учун, астрологимиз айтганидай, «Ўз Марсини ҳаракатга келтириш, яъни у ёки бу жамоавий ташаббусини кўллаб-қувватлаб, уни рўёбга чиқаришда фаол қатнашиш керак бўлади».

Шу кун икки соғва-саломлар қилиш, саҳоват ва олижаноблиқни намоён этиш яхши. Харидлар қилинг, тижорат билан шугулланг, кийим-кечаклар ва зеб-зийнатларни сотиб олинг, тажриба ва ахборотларни ўзаро алмашишга ҳаракат қилинг. Спорт ва жисмоний саломатлигингизни мустаҳкамлаш билан шугулланг.

Майда тангаларни топиб олиш бугун яхшилик аломати ҳисобланади. Бирон нарсанингизнинг синиши ёки шамолнинг деразангизни очиб юбориши — нохушиқлардан оғохлангизни демак. Ёмғирдан сўнг Кўёшнинг чарақлаб чиқиб кетиши, камалак рангларининг пайдо бўлиши яхшиликларга ишора.

Кўёш кўтарилгандан кейин кўриладиган тушлар аҳамиятли бўлиб, тез орада ўнгидан келади. Уларнинг таъбири ҳам осон ва лўнда бўлади.

Бугун ҳавонинг тозаллигига алоҳида диққат қилинадиган кун — хоналарни тез-тез шамоллатиб туриш, кун давомида ҳеч бўлмаганда бир неча бор ўзингизни бўш қўйиб, ҳеч нарсани ўйламай дам олинг.

Кўк ва кулранг либослар бугун сизга ярашиқли ва омадли бўлиши кутулади. Жигарранг, қизил ва оқ ранглардан ўзингизни узокроқ олиб юринг.

**БУГУН:**

- жиҳозларни ва машғулот турини ўзгартириш;
  - озиқ-овқатлар, идора ашёлари, электрон техника ва ўзингизга керакли бошқа нарсаларни харид қилиш;
  - сафарга, хизмат сафарига, саёхатга йўл олиш;
  - хизматга оид ва молиявий муаммоларни ҳал этиш;
  - янги танишлар орттириш ва амалий алоқаларни ўрнатиш;
  - бир йўла бир неча иш билан банд бўлиш;
  - бугунги кунни имкон қадар қувноқ ва беташвиш ўтказиш тавсия этилади.
- Заруратсиз ҳуқуқни муҳофазат этиш органлари вакиллари билан учрашиш, бош ортиги ва диафрагма атрофидаги оғирлик ҳиссида (улар хавфли бўлиши мумкин) эътиборсиз қарадан ўзингизни эҳтиёт қилинг.



**Бош муҳаррир  
Акмал АКРОМОВ**

Манзиллари: 700000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
хатлар — 133-29-70;  
эълонлар:  
133-28-95, 136-57-65,  
факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилган.  
2496 нусхада босилди. Қотғи бирини А-3

**Газета Тошкент шаҳар  
Матбуот ва ахборот  
бошқармасида 02-1-рақам  
билан рўйхатга олинган.**

Душанба, сешанба, чоршанба,  
пайшанба ва жума кунлари чиқади.  
Навр кўрсаткичи — 563

Нашрни etkazиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамити»га 133-74-05 телефонига мурожаат қилишигиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашрий-матбоа акциядорлик компанияси босмохонаси.  
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.